

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети

3 курс “А” гуруҳ талабаси Шерматов

Нуриддиннинг Жахон тарихи фанидан

Курс иши

Мавзу Англия парламенти

Андижон 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.

1.Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларидаги вазиятнинг Англия сиёсий ҳаётида таъсири

2.Етти йиллик урушдан кейинги даврда парламент фаолияти

3.Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларида мустақиллик уруши бошланиши арафасида парламентнинг уларга муносабати

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Биз тарихни неча минг йилларни қамраб олган буюк халқмиз. Улуғ аждодларимиз асрлар давомида сиёсат, илму фан ва маданият, дину диёнат соҳасида дунёни хайратга соладиган улкан ишларни амалга ошириб келаганлар. Ватанимиз истиқлоли ана шундай анъана ва қадриятларимизни тиклаш, уларни замон талаблари асосида бойитиш ва ривожлантириш, ўзлигимизни англаш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш имконини бергани учун ҳам бениҳоя азиз ва қадрлидир¹.

Тарихимиз каби, қадим маданиятимизнинг яратилишида ҳам унга кўплаб этник гуруҳлар, эл-элатлар ўлушини қўшган. Бу – табиий ҳол. Чунки, ҳеч қачон, ҳеч қаерда фақат битта миллатга мансуб маданият бўлмайди. Ҳар қандай цивилизация кўпдан – кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг васамарали таъсирининг маҳсулидир. Бир сўз билан айтганда, кўчманчилар, босқинчилар келиб кетаверади, лекин халқ боқий қолади, унинг маданияти абадий яшайди.

Англия парламентининг XVIII асрдаги характерли хусусияти мамлакатда икки партиявийлик тизимининг мавжудлигида эди. Бу тизим 1660-1668 йилларда, яънимонархия Реставрацияси даврида пайдо бўлган ҳамда партиялар виги ва тори номини олшганди. Инглиз парламентида 1765-1775 йилларда кўриб чиқилган масалалар, қонунлар лойиҳалари, “Герб йиғими”нинг бекор қилиниши, “Бостон чойхўрлиги”га билдирилган реакция, парламент ва министрлар кабинети муносабатлари батафсил ёритилган манбалар йўқлиги, буларнинг барчаси алоҳида тадқиқот мавзуси бўлганлиги боис ҳамма материалларни йиғиш, умулаштириш долзарб вазифадир.

XVIII арда Англия парламенти ўзининг колонияларига нисбатан ўта кескин чораларни қўллаётган эди. Шимолий Америка колниялари шу зулмга қарши ўзининг Метрополияси билан сиёсий кураш олиб борди. Айнан шу тарихий воқеаларни бу мавзуда ёритиб бериш. Бу мавзу қуйидаги вазифалардан иборат:

1. Шимолий Америкада инглиз мустамлакаларидаги вазиятнинг Англия сиёсий ҳаётига таъсири
2. Етти йиллик урушдан кейинги даврда парламент фаолияти
3. Шимолий Америкадаги инглиз мустамлакаларида мустақиллик уруши бошланиши арафасида парламентнинг уларга муносабати
4. Барча масалаларни мужассамлаштирган ҳолда хулосалаш ва мантиқий яқун ясаш.

Аввалам бор бу мавзунинг айнан сиёсий ва иқтисодий жабҳада кам даражада ўрганилганлиги, деярли ўзбек тилида бу мавзуга оид маънба ва маълумотларнинг камлиги сабабли, аксарият русча илмий адабиёт, даврий матбуот ва интернет тармоқларидан олинган фикрларни янги маълумот сифатида киритдик.

1760 йилда Шарқда Атлантика океанининг қирғоқ бўйларида то ғарбда Аппалачи тоғларигача бўлган территориядаги 13 та инглиз мустамлакасида туб аҳолидан, индеецлардан ташқари тахминан 1,6 миллион аҳоли яшар эди, улар орасида уч юз мингдан ортиқроғи кул-негрлар эди. Оқ танли аҳоли (колонистлар) асосан инглизлар, ирландлар, шотландияликлар, шунингдек немислар, голландлар ва бошқалардан иборат эди. 60-йилларда мустамлакалардаги аҳолининг сони тез ўса бошлади. 1775 йилда аҳолининг сони 2,6 миллион кишига етди, бундан 500 мингга яқини негрлар бўлиб, негрларнинг 90 фоизигачаси куллар эди. Меҳнаткашлар феодаллар зулмидан ва қашшоқликдан қутилиш учун Европадан қочиб келар, аммо Шимолий Америка мустамлакаларида ҳам истакларига ета олмас эдилар. Уларнинг кўпчилиги мустамлакачи буржуазия ва кулдор плантаторлар томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинар эди.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т: Шарқ, 1998

Америка тарихшунослари таърифлаганидек, Шимолий Америка “орзу қилинган ер” ва “озодлик бешиги” эмас эди, албатта.

XVIII асрнинг 30- йилларида қирол бош палатаси янги территорияларга ижозатсиз кўчиб боришни, ерларни босиб олишни ва чегара посёлкаларидан ташқарига чиқишни тақиқлади. Бунинг устига мустақиллик учун олиб борилган уруш арафасида Аллегангача бўлган барча ерлар эгаллаб олинган эди, 1763 йилги қирол прокламациясига биноан Аллегандан нарига кўчиб бориш тақиқланди.

Аграр масала билан бир қаторда мустамлакалар ва метрополиялар ўртасидаги иқтисодий зиддиятлар инқлобни етилишнинг асосий сабабларидан бири бўлган эди.

XVIII аср ўрталарида мустамлакалар ўзларига керакли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳаммасини ишлаб чиқарар эдилар. Янги Англия ва қисман марказий мустамлакалар ўзларининг кўпгина саноат буюмларига бўлган эҳтиёжларини деярли тўла қондирар эдилар, бу буюмларни ҳатто Вест –Индияга ва саноати яхши ривожланмаган Жанубий мустамлакаларга чиқарар эдилар. Кемасозлик ва ёғоч ишлаш саноати Янги Англиянинг денгиз соҳилида жойлашган шаҳарларида айниқса кенг ривожланган эди. Кемалар фақат мустамлакалар учун эмас, балки метрополиялар учун ҳам қурилар эди. Бу ерда кеманинг баҳоси Англиядагига қараганда анча арзон эди. 1775 йилга келиб, Англия байроғи остида сузиб юрган ҳамма кемаларнинг учдан бир қисми янги Англия верфларида қурилган эди. Метрополиялар билан мустамлакалар ўртасида қатнайдиған савдо кемаларининг тўртдан уч қисми мустамлакаларга қарашли эди. Янги Англиянинг ва марказий мустамлакаларнинг темир ишлаб чиқарадиган заводларида тунука ва темир ғўла, мих ва қишлоқ хўжалиги асбоблари, қурол-яроғ ва темир идишлар, якорлар ва бошқа хил буюмлар ишлаб чиқарилар эди. Мис ва қўрғошин қазиб олинар эди. Чўян ва темир ғўла экспорти анча кучайди. Каламенка ва қисман жун газлама саноати, пойабзал ишлаб чиқариш ривожлана борди. Янги Англия мустамлакаларида хўжаликнинг ғоят муҳим тармоғи балиқчилик эди.

Денгиз соҳилидаги шаҳарларда спиртли ичимликлар, айниқса ром ишлаб чиқариш авж олган эди, бунинг учун Вест-Индияда потоки импорт қилинар эди; ром Африкага жўнатилар, бу ерда эса негрлар маст қилиниб, куч билан ёки алдаш йўли билан Америкага олиб келинар ва бу ерда қул қилиб сотилар эди. Бу жуда сердаромад иш эди. Масалан, “Винус” кемасининг эгаси негрларни бир марта олиб бориб, қулликка сотишдан 200 минг доллар фойда қилди., шу кемани қуриш эса ҳаммаси бўлиб 30 минг долларга тушар эди. Ҳатто кичкина бир мустамлака бўлган Род-Айлендда 1770 йилда 150 кема қул савдоси билан шуғулланган, чунки негрларни сотиш Англия қиролининг монополияси ҳисобланар эди. Контрабандистларнинг метрополияга мурасасиз душман эканлиги бежиз эмас эди, улар ҳам фойдали қул савдоси билан шуғулланиш ғукукига эга бўлиб олиш учун талашар эдилар. Мустамлакачи савдогарлар ҳиндулар билан фойдали савдо-сотик ишларини кенг йўлга қўйган эдилар. Савдогарлар шишадан қилинган майда-чуйда безаклар, ром, ишдан чиққан мушкетлар ва чириб қолган товарларни олиб келишиб, қимматбаҳо мўйна ва териларга айирбошлаб кетар эдилар. Мустамлакалар ўртасида каботаж (кемаларда қирғоқ бўйлаб савдо қилиш) кенг тарқалган эди, бироқ ички йўллар ва кўприкларнинг йўқлиги савдонинг ҳамда мамлакатнинг айрим районлари ўртасида алоқаларнинг ривожланишига ҳалал берар эди.

Метрополиялар мустамлакаларнинг ривожланиши йўлида ғов бўлиб турар эдилар, метрополия мустамлакаларнинг рақобат қилишидан ва айниқса, иқтисодий жиҳатдан тобора мустақил бўлиб бораётганидан чўчиб, Америкада саноат ва савдони бўғиб ташлашга, мустамлакаларнинг ўзининг хом –ашё базаси ҳамда товарларини сотадиган бозор сифатида сақлаб қолишга интилар эди. Англия ҳукумати мустамлакаларда мастерлар, машиналар ва ихтиролар олиб боришни тақиқловчи кўпдан-кўп фармойишлар чиқарди. 1750 йилда парламент мустамлакаларда темир қирқувчи прокат қилувчи

корхоналар куришни ва уларни кенгайтиришни, мих ва асбоб-ускуналар яшаш учун кетадиган сифатсиз темир-пўлатдан ташқари, тайёр буюмлар ишлаб чиқаришни тақиқлаб қўйди. Англия буржуазияси мустамлака бозорида ўз монополиясини сақлаб қолишга интилиб, ўз мустамлакаларига бошқа мамлакатлар ва уларнинг мустамлакалари билан бевосита савдо-сотик ишлари олиб боришни ман этди. Темир, мис рудаси, тамаки, индиго, мўйналар ва бошқа буюмлар ҳамда маҳсулотлар фақат метрополияларга жўнатилиши керак эди¹.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлиб қолган ҳамда мустамлака буржуазияси ва плантаторларнинг кенг доираларида норозилик туғдираётган эди. Мустамлакаларнинг иқтисодий тузуми ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши учун ғов ва тўсиқ бўлиб қолган эди. Ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характериға мувофиқ бўлишидан иборат объектив қонун капитализмнинг тараккий қилишиға ҳалал бераётган ғовларнинг йўқ этилишини талаб қилмоқда эди. Бу қонун мустамлакалардаги умри тугаб бораётган кучларнинг қарши ҳаракатиға дуч келмоқда эдики, мустамлакаларнинг асосий таянчи ва мадади Англия ҳукмрон доираларининг сиёсатида эди.

Мустамлакаларнинг иқтисодий ривожланишиға уларнинг сиёсий парокандалиги ҳам ҳалақит бермоқда эди. 13 та мустамлаканинг ҳар бири ўзининг алоҳида тузумиға ва идора қилиш формасиға эға эди. Қирол мустамлакалари (Нью-Йорк, Нью-Жерси ва бошқалар) қиролнинг ўзи тайинлайдиган губернаторлар томонидан бошқарилар эди. Пенсильвания, Делавер, Мэрилендда ҳокимият назорати остида иш олиб боровчи мустамлака эгалари қўлида эди. Род-Айленд ва Коннектикутда ҳалқ бошқармаси деб аталадиган идора усули ўрнатилган эди. Барча мустамлакалар инглиз қонунларига мувофиқ тарзда идора қилиниши керак эди. Мустамлакаларда қонун чиқарувчи йиғинлар бўлар эди, лекин уларнинг кўплари маслаҳатчи характерға эға эди. Сайловлар жуда юқори мулк цензига қараб ўтказилар эди. Сиёсий ҳуқуқни бой қатламлар: жанубий мустамлакаларда – йирик плантатор-кулдорлар, шимолий мустамлакаларда – йирик ер эгалари ва буржуазия (мўйна ва ром билан савдо қилувчилар, контрабандистлар, кулпурушлар) монополия қилиб олган эдилар. Кўпгина мустамлакаларда ҳиндулар, негрлар ва оқ танли кулларгина эмас, ҳаттоки ишчилар, ҳунармандлар ва фермерлар ҳам сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум этилган эдилар.

1754 йилда Олбэнида мустамлакалар вакилларининг съезди чақирилди. Бу съездда Б.Франклиннинг мустамлакалар иттифоқи тузиш тўғрисидаги лойиҳаси ўзгартиришлар билан қабул қилинди. Бу лойиҳанинг етарли даражада демократик бўлмагани ва Англия қироли томонидан тайинланадиган президентға жуда катта имкониятлар берилганлиги мустамлакалардаги кўпгина кишиларға ёқмади. Лондонда аксинча лойиҳани ортиқ даражада демократик ва метрополия учун хавфли деб ҳисоблар эдилар. У ерда ишлаб чиқилган бошқа лойиҳаға биноан губернаторлар ҳокимияти кучайтирилди; шу пайтдан бошлаб амалдорларға ва қўшинларға маошни инглиз ғазнаси мустамлакалардан йиғиб олинадиган солиқлар ҳисобидан тўлиши керак эди. Ўз-ўзидан маълумки, инглиз лойиҳасини колонистлар адоват билан қарши олдилар. Бу эса метрополияға қарши курашнинг кескинлашувида ва америкаликлар миллий онгининг ўсишида каттагина роль ўйнади. Шуни айтиш керакки, америкаликларнинг миллий онги нисбатан секин шаклланди: XVIII асрнинг ўрталарида колонист ўзини америкалик деб ҳисобламасдан, балки вержиниялик, пенсильваниялик, коннектикутлик деб ҳисобларди. Аммо шу билан бирға, объектив иқтисодий шароитлар туфайли янги миллат таркиб топмоқда эди.

¹ Америка тарихи асослари. Нью-Йорк. 1998.

Америкаликларнинг бир ярим аср давомида метрополиядан узоқ ерлардаги умумий территорияда биргаликда яшаб келганлиги шимолий америкаликлар миллатининг ташкил топишини тақозо қилган объектив факторлардан бири бўлди.

Бутун мустамлакачилик давр мобайнида эркин фикр ва демократиянинг прогрессив ғоялари реакцион идеологияга, жаҳолатга қарши курашда ўзига йўл очиб борди. Бу ғоялар дастлабки пайтларда диний сектантчиликнинг миллий формаларида ифода этилар эди. Пуританизм сўл қанотининг сиёсий қарашлари (унинг ёркин намояндаси – Род-Айлендга асос солган Роджер Уильямс эди) халқ оммасининг норозилигини ва орзу тилаklarини бир қадар ифода этар эди. Бу сўл қанот арбоблари XVIII аср американ маърифатчиларининг ўтмишдошлари эди. Мустамлакаларда фан ва фалсафа, адабиёт ва санъат кенг тарзда мустақил ривожланиб кетолмади, бу эса кўп жиҳатдан американ буржуазиясига хос бўлган тор практицизмга қарши олиб бораётган курашини асослаш учун Гоббс, Мильтон, Локк, Руссо ва бошқа Европа мутафаккирларининг ғояларидан фойдаландилар¹.

Америка буржуа маърифатчилари орасида энг кўзга кўринган ва ажойиб кишилари Бенжамин Франклин (1706-1790) ва Томас Жефферсон (1743-1826) эди. Булар американ маорифида сўл демократик тенденция вакиллари ва шаклланиб келаётган Шимолий Америка миллати ўсиб келаётган онгининг идеологлари эди.

¹ Берк Э. Правление, политика и общество. СПб – М., 2001.

1. Шимолий Америка инглиз мустамлакаларидаги вазиятнинг Англия сиёсий ҳаётига таъсири.

Мустамлакалар билан метрополия ўртасидаги зиддиятларнинг кучаяви революцияни муқаррар қилиб қўйди. Ҳозирги замон инглиз-американ империалистик тарихнавислигининг колонистлар билан метрополия ўртасида мавжуд бўлган объектив чуқур зиддиятларини инкор этишга, уларни “тасодифий англашилмовчилик” деб (бунинг учун фақат ГеоргIII ва баъзи бир калтабин вазирлар айбдор эди) деб кўрсатишга жавоб берди. Халқ ҳаракатидан қўрқиб кетган амалдорлар ўз лавозимларидан воз кечдилар.

Герб солиғи тўғрисидаги қонун кучга кирган 1 ноябр куни янгидан ғалаёнлар кўтарилиб кетди. Кўп кишилиқ митинглар ва намойишлар уюштирилди, гербли қоғозлар куйдирилиб ташланди. Халқ “Умумий иттифоқлик ёки ўлим!”, “Эркинлик ва мулкчилик!” деган шиорлар ташлаган эди. Мустамлакалардаги бу ҳаракатлар халқнинг қандай кучга эга эканлигини кўрсатди ва кўп ўтмай герб қонунининг бекор қилинишига каттагина ёрдам берди. Мустамлакалардаги қонун чиқарувчи мажлислар мустамлакалар вакиллари конгрессини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди¹.

Губернаторнинг тақиқлашига қарамай конгресс 1765 йил 7 октябрда Нью-Йоркда очилди. Унга асосан мўътадил буржуа гуруҳлари вакиллари юборилган эди., бу ҳол конгресс қабул қилган қарорлар характериға ҳам таъсир қилди. Бу қарорлар келишувчилик характеридаги “Ҳуқуқлар декларацияси”дан қирол ва парламентга қарата ёзилган петициялардан иборат эди. Уларда мустамлака вакиллари ўзларининг қирол фуқароси деб тан олишган, парламентга бўйсунушга ваъда берилган ва колонистларга ҳам метрополия аҳолиси фойдаланиб келаётган ҳуқуқлар берилиши, колонистлар розилик бергандагина солиқ солиш талаб қилинган эди.

Бироқ ёлғиз петиция билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас эди. Октябрнинг охирида инглиз товарларини бойкот қилиш ҳаракати бошланди, бу ҳаракат деярли барча мустамлакаларга ёйилди. Метрополия буржуазияси мустамлака бозоридан маҳрум бўлиб қолишдан қўрқиб, мустамлакалар билан бўлган низони тезлик билан бартараф этилишини талаб қилинди. Аммо шу билан бирга инглиз парламенти илгариги қонунлар мустамлакалар учун мажбурий эканлиги тўғрисида декларация қабул қилди ва мустамлакаларга солиқ солиш ҳуқуқини сақлаб қолганлигини тасдиқлади. “Қўшинларни жойлаштириш қонуни” ва бошқа қонунлар кучда қолди.

Тауншенд қонунига биноан 1767 йилда бир қанча товарларга божхона божи жорий қилинди. Бождан тушган даромад амалдорлар ва ҳарбий маъмурларнинг таъминотиға сарфланар эди., бинобарин улар колонистлардан мустақил бўлиб қолган эдилар. Жазо чоралари кучайиб кетди. Ғалаёнларни бостириш ва қўзғолоннинг олдини олиш учун 1768 йилда Бостонга ҳарбий ёрдамчи кучлар билан тўла кемалар келиб тўхтади. Сўнгра ҳукумат сиёсий жиноятларда айбланган колонистларни Англияга олиб кетиб, ўша ерда суд қилишни буюрди. Маъмурларга қаршилиқ кўрсатган мустамлака мажлислари тарқатиб юборилди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси колонистларнинг ғазабини оширди. Мустамлакаларда кўпгина памфлетлар пайдо бўлди. Митинглар ва махфий йиғилишлар одат тусига кирди. Клублар ва махфий жамиятларнинг фаолияти анча жонланди. Вашингтоннинг ва губернатор томонидан тарқатиб юборилган Виргиния мажлиси баъзи депутатларнинг ташаббуси билан инглиз товарларига бойкот эълон қилинди. (1768-1769). Инглиз товарларини шимолий мустамлакаларга олиб келиб сотиш 1768 йилдаги 1363 минг фунт стерлингдан 1769 йилда 504 минг фунт стерлингга тушиб қолди. Колонистлар

¹ Буржуазные революции XVII-XIX вв. в современной зарубежной историографии. - М., 1986.

қўшинларнинг олиб чиқиб кетилишини, ўзларининг ҳуқуқларини поймол қилувчи ҳамма бож ва қонунларни бекор қилинишини талаб қилдилар. Парламент Тауншенд қонунини бекор қилиш билан яна қисман ва муваққат ён беришга мажбур бўлди.

1774 йилда (5 сентябр -26 октябр) Филадельфияда чақирилган биринчи Континентал конгрессда компромисс тарафдорлари ва тез орада контрреволюцион лагерь томонига ўтиб олган бир қисм лоялистлар ҳукмронлик қилдилар. Буржуа-демократик қанот вакилларида фақат Сэмюэль Адамс ва Патрик Генри ҳозир бўлдилар. Улар конгрессга халққа таянувчи революцион ҳокимият органи деб қарадилар, ваҳоланки, Вашингтон ва унинг либерал тарафдорлари конгрессни фақатгина маслаҳатчи орган деб ҳисоблар эдилар. Конгресс “Ҳуқуқлар декларацияси” инглиз халқига мурожаат ва қирол номига садоқат билдирувчи нома қабул қилиш билан чекланди. Бироқ шу билан бир вақтда канадаликларга қарата ёзган хитобномасида конгресс уларга мустамлакалар билан иттифоқ тузиш ва метрополиядан ўзига ҳуқуқлар талаб қилишни таклиф этган эди. Узоқ давом этган мунозарадан кейин инглиз товарларини бойкот қилиш тўғрисида “иттифоқлик акти” тузилди.

Бойкотнинг бажарилишини кузатиб бориш 1772 йилда тузилган “корреспондент комитетлари”га бўйсунувчи махсус “назорат комитетлари”га топширилган эди. Бу комитетлар жойларда жуда катта роль ўйнадилар: улар Англияга қарши қаратилган барча ишларни координация қилар, мустамлакалараро алоқаларни амалга оширар, ташвиқот ишлари олиб борар эдилар. Кейинчалик “хавфсизлик комитетлари” бўлиб қолган “назорат комитетлари” лоялистларни каттиқ таъқиб қилиб, маъмурий ва жазоловчи функцияларни ҳам бажардилар. Шу тарзда тузилган жойлардаги революцион ҳокимият мустақиллик учун урушда ва революция вазифаларини амалга оширишда катта роль ўйнади.

Мустамлакаларда революцион вазият вужудга келди. Метрополия билан ярашишнинг иложи йўқлиги тобора аниқ кўринмоқда эди. Англия маъмурлари бу зиддиятларни янада кескинлаштирувчи янги қонунлар чиқардилар (бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқнинг тақиқланиши, балиқчиларга Ньюфаундленд сувларида балиқ овлашнинг ман этилиши ва бошқалар), мустамлакаларда истехкомлар қурдилар, гарнизонларни кўпайтирдилар. Массачусетс исён кўтаришда айбдор деб эълон қилинди. Колонистларнинг бўйсунуши ёки кураш бошлашдан бошқа иложи қолмаган эди.

Массачусетсда курашга тайёргарлик кетаётган эди. Губернаторнинг тақиқлашига қарамсдан, 1774 йил октябрида вилоят конгресси чақирилди, бу конгресс қонун ижроия ҳокимияти эди. Ҳарбий комитет таъсис этилди ва ҳарбий қўшинга одам олиш ўтказилди. Қурол-яроғлар ва озиқ-овқатлар сотиб олинди, яширин омборлар қурилди. Урушга тайёргарлик кўришда “хуррият фарзандлари” жамияти жуда муҳим роль ўйнади¹.

Бошқа мустамлакаларда ҳам демократик элементлар қуролли кўзғолонга тайёргарлик кўришни талаб қилмоқда эдилар. 1775 йил мартда Патрик Генри Виргиния Қонун чиқарувчи мажлисида шундай деган эди: “Агар биз озод бўлишни ҳамда Англия ҳукуматининг тажовуздан шунча узоқ вақт ҳимоя қилиб келинган ва биз учун қимматли бўлган ҳуқуқларни сақлаб қолишни истасак.... жанг қилмоғимиз керак, яна такрор айтаман, жанг қилмоғимиз керак.... Муқаддас озодлик ишини ҳимоя қилиш учун қуролланган уч миллионли халқ енгилмасдир. Амалда ҳозирок уруш бошланиб кетди.” У Англиянинг маккор сиёсатига ишонмасликка чакирди. Бироқ буржуазиянинг ҳамма гуруҳлари ҳам шундай фикрда эмас эди. Демократларнинг қаттиқ тазйиқи остидагина халқ мудрофаа комитети тузиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди.

¹ Дементьев И.П. Идеиная борьба в США по вопросам экспансии.- М., 1973, с 342.

Буржуа арбоблари қуролли қаршилик кўрсатиш зарурлиги тўғрисида бахслашиб ўтирганларида Континентал конгресс ҳали ҳам метрополия билан ярашмоқчи бўлиб, қиролдан ён беришни илтимос қилиб юрганда халқ оммаси жангни бошлаб юборган эди.

Ғарбда – Кентукки ва Теннессида ҳарбий тўқнашувлар 1774 йилнинг октябридаёқ бошланиб кетган эди. Шимолий Каролинада 1775 йил апрелининг бошларида ватанпарварлар билан лоялистлар ўртасида гражданлар уруши авж олиб кетди. Лоялистларни кўп вақт ур-калтак қилар эдилар, ҳамма ёқларига қора мой суркаб, пар устига юмалатар ва қароргоҳларидан ҳайдаб чиқарар эдилар. Массачусетсда халқ қуролланмоқда, кўшин ҳарбий ишни ўрганмоқда эди.

Инглиз флоти Америка соҳилларини қамал қилди, армияга колонистлар қўлидаги қуролларни тортиб олиш, уларнинг баъзиларини ва аскарларини йўқ қилиш тўғрисида буйруқ берилди. Бу топшириқни бажариш жараёнида инглиз кўшинлари уюшган қаршиликка дуч келди. 1775 йил 19 апрелда инглиз отряди Конкордда (Бостон яқинида) омборни босиб олмоқчи бўлди. Лексингтон ва Конкорд ёнидаги жанглар бунинг натижаси бўлди, шу жангларда хунармандлардан, ишчилардан ва фермерлардан иборат қўзғолончилар ёйилиб саф тортиш тактикасини қўлладилар. Ваҳимага тушган инглиз аскарлари жанг майдонида кўпгина ўликлар ва ярадорларни ташлаб қочиб қолдилар.

Ҳиндулардан ўрганиб олган ёйилиб саф тортиш тактикасини қўзғолончилар кейинчалик ҳам қўлладилар, бу эса уруш ҳаракатларида эскириб қолган саф тортиб юриш тактикасини қўллаган инглизлардан устунликни таъминлади.

Лексингтон ёнидаги ғалаба метрополияга қарши очиқ уруш бошлаш учун сигнал бўлиб хизмат қилди. Оқ танли қуллар, ишчилар, балиқчилар, камбағал фермерлар, негрлар “озодлик лагери” деб аталган қўзғолончилар лагерини мунтазам равишда тўлдириб турди, бу лагерь Бостондаги инглиз гарнизонини материкдан ажратиб қўйиб, бўйин олдидаги позицияни эгаллади. Биринчи жангдан уч кун ўтгач, лагерда қўзғолончилар сони 20 минг кишига етди. Янги мадад олган инглиз кўшинлари бу лагерни тор-мор келтира олмади, 17 июнда Бенкрс Хилл ёнидаги жангда жиддий талафот бердилар.

Қуролли тўқнашувлар бўлаётганлиги тўғрисидаги хабарлар бошқа мустамлакаларга етиб келиши билан у ерларда ҳам халқ ҳаракати бошланиб кетди. Кўпгина жойларда инглиз кўшинлари қўриқлаб турган қалъалар, аслаҳахоналар ва омборлар қўлга киритилди. Ҳамма ерларда митинглар ўтмоқда эди. Шимолий Каролинанинг Макленбург графлигидаги фермерлар 19 майда қабул қилган резолюцияда бундай дейилган эди: “Биз ўзимизни озод ва мустақил халқ деб эълон қиламиз...Британия тож-тахтига ҳар қандай буйсунишни рад этамиз. Шу мустақилликни сақлаб қолиш учун бир-биримиздан жонимизни ҳам, мулкимизни ҳам аямасликка тантанали суратда ваъда берамиз”. Бу хилдаги резолюциялар бошқа жойларда ҳам қабул қилинди. Бироқ буржуа арбобларининг тазйиқи остида кўпгина резолюцияларда мустақиллик ҳали эълон қилинмаган, қирол вазирлардан ажратилган, “метрополия билан конституцион алоқалар” тўғрисида гапирилган эди.

Революциянинг асосий кучлари ишчилар, хунармандлар ва фермерлар бўлиб, булар биргина миллий мустақиллик учун курашмасдан, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлар учун ҳам курашдилар. Бироқ халқ оммаси уюшмаган эди. Оммавий ҳаракатга раҳбарлик ишларини йирик буржуазия билан қулдорлар ўз қўлларига олган эдилар, булар эса халқ революциясидан қўрқар, тож-тахт билан келишиб қўя қолмоқчи эдилар. Уларнинг мақсади метрополиянинг ҳукмрон синфлари эга бўлган ҳуқуқларга эга бўлиб олиш эди, холос.

Метрополиянинг муросасизлиги ҳамда халқнинг – ишчилар, қуллар, хунармандлар ва фермерларнинг авж олиб кетган қуролли кураши таъсири остида синфий кучлар тобора табақаларга бўлинмоқда эди. Қулдорлар, йирик буржуазия, руҳонийларнинг бир қисми оммавий ҳаракатнинг кенг қулоқ ёйганлигидан қўрқиб кетиб, лоялистлар лагерига ўтиб

кетди ва қирол томонида туриб курашди. Бироқ иккиланиш ва оғишлар йўлини босиб ўтган буржуазиянинг бир қисми ҳар ҳолда метрополияга қарши курашга бошчилик қилди, аммо халқ ҳаракатини кенг қулоч ёйдирмасликка тиришди. Халқдан қўрқиб қолган бу буржуазия оммадан ўз манфаати йўлида фойдаланиб, ўзининг чексиз ҳукмронлигини ўрнатиш учун пайт пойлар эди.

1775 йил 10 майда Филадельфияда очилган иккинчи Континентал конгрессда ҳукмрон гуруҳ айти мана шу вақтинча сўллашган буржуа ва плантаторлар вакиллари, яъни ўнг ва мўътадил вигилар (Вашингтон, Рандольф ва бошқалар) эди. Вигилар сўл қанотининг вакиллари Т.Жефферсон, П. Генри, С.Адамс, Б. Франклин ва бошқалар эди. Бу буржуа революционер демократларнинг конгрессда ўз ташкилоти йўқ эди, улар ўзаро келишмасдан иш кўрар эдилар. Бу гуруҳ заифлигининг асосий сабаби – унинг субутсизлигида, чекланганлигида, революцион омма билан яхши алоқа ўрнатмаганлигида эди. Конгресс таркиби унинг характерини ва иш усулини белгилаб берар эди.

Революцион омма конгрессга олий ҳокимият деб қарар эди, халқ (лоялистлар бундан мустасно) қирол амалдорларига бўйсунмас эди. Мустамлакалар конгрессдан ёрдам, йўл-йўриқ сўраб мурожаат қилар эдилар. Бироқ конгресс узоқ вақтгача миллий таъсис мажлиси ролини бажаришдан ўзини четга тортишга ҳаракат қилиб келди. У мустамлакаларга мудофаа тактикасини тавсия қилди. Шунга қарамай, конгресс унинг ташаббусисиз тўпланган армияни вазият тазйиқи остида ўз қарамоғига олиб, Жорж Вашингтонни бош қўмондон қилиб тайинлади.

Ж.Вашингтон (1732-1799) Виргиния плантаторларининг бой аристократ оиласидан чиққан эди. Унинг акалари Огайо ер компаниясига бошчилик қилар эдилар, бу компания 18 ёшли Жоржни марза олиш учун ер ўлчовчи қилиб юборди. Бу ерда, ғарбдаги ерларда, у йигитлик чоғидаёқ ҳиндулар бўлган тўқнашувларда кўнгилли аскарлар командири сифатида, 1754-1756 йилларда – унча катта бўлмаган француз отрядлари билан бўлган жангларда донг чиқарган эди. Вашингтон соф виждонли, серғайрат ва жасур киши бўлиб жуда катта ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга эди. Муомалада кам гап ва вазмин, ўзининг ҳамкасбларига ҳамда қўл остидаги ходимларига нисбатан талабчан ва ғамхўр эди. Ундаги ҳақиқий ватанпарварлик ва мана шу шахсий сифатлар ёш республикага йўлбошчи, атоқли саркарда бўлиш ролини таъминлади. Бироқ революциянинг ўнг қанотида турар эди¹.

1775 йилнинг очирларида 20 мингга яқин лоялист метрополия томонидан туриб урушди. Лоялистларнинг қуроли курашга ўтиши ва кўпчилик руҳонийларнинг контрреволюцион агитацияни авж олдириб юборилганлиги туфайли конгресс 1776 йил 2 январда булар устидан назорат олиб боришни маҳллий маъмурларга топширди. Сўнгра у лоялистларни қуролисизлантириш (1776 йил март) ва уларнинг мол-мулкни мусодара қилиш (1777 йил ноябрь) тўғрисида қарор қабул қилди. Мамлакатнинг деярли ҳамма жойларида тузилган “хавфсизлик комитетлари” бу қарор чиқишидан илгарийёқ лоялистларни қамоққа олиб, мол-мулкларини мусодара қила бошлаган эди. Контрреволюцион террорга қарши омма революцион террор билан жавоб қайтарди.

Кўчкинчиларнинг янги ерларга силжиб бориши ҳиндулар билан урушларга келтиришидан чўчиган Британия ҳукуматининг эътиқоди бўйича, янги ерлар колонистлар томонидан секин-асталик билан ишғол қилиниши лозим эди. Янги колониялар барпо этишга рухсат беришдан олдин мавжуд истиқомлар узра қирол назоратини таъминлаш учун ҳам чеклаш сиёсати қўл келар эди. 1763 йилги қирол Декларациясига биноан, Аллеган, Флорида, Миссисипи дарёси ва Квебек орасидаги ғарбий ҳудудларнинг барчаси асл америкаликлар томонидан фойдаланишга ажратилди. Шу тариқа қирол ҳокимияти 13

¹ Яковлев Н.Н. Вашингтон. – М., 1973. с 324.

колонияларнинг ҳарбий ерларга бўлган талабларини сўндириш ва ғарб томон силжишни тўхтатишга уринди. Амалда деярли ҳеч қачон қўлланмаганига қарамай, мазкур тадбир колонистлар вазидида, уларнинг ғарбий ерларни ишғол этиш ва ўзлаштириш борасидаги ўз-ўзидан аён ҳуқуқни ўзбошимчаларча назар-писанд қилмасликни билдирган.

Ўзининг кенгайиб боровчи империясини сақлаш учун тобора кўпроқ маблағга мухтож Британия ҳукуматининг янги молиявий сиёсати анча жиддий акс-садо олди. Англиянинг ўзидаги солиқ тўловчилар Америкадаги колонияларнинг муҳофазаси учун зарур бўлган маблағни етказиб беролмаган тақдирди, бу пуллар кўчкинчи колонистларнинг ўзидан марказий ҳокимият томонидан ундириб олиниши керак бўларди, ва шу тариқа колониал ўзини-ўзи бошқариш харажатлари қопланарди.

Англияга тобе бўлмаган минтакалардан ром ва қора шинни импортига ман этувчи бож ёки солиқни киритган 1773 йили Қора Шинни Қонунини 1764 йилги Шакар Қонуни билан алмаштириш янги системани тадбиқ этиш борасида биринчи қадам бўлди. Хорижий ром ичимлигини импорт қилиш ман этилди. Қонун, барча манбалардан келтириладиган қора шиннига меъёридаги бож ўрнатди ва вино ичимликлари, ипак матолари, кофе ва қатор ўзга хашамат мол-маҳсулотларига бож солиқлари солди. Шу билан, қора шиннига бож солиқларининг пасайтирилиши, уни Голландия ва Француз Вест-Индиясидан Янги Англияда ром ишлаб чиқариш жараёни учун контрабанда йўли билан келтириш васвасасини пасайтиришга умид боғлаган эди. Шакар Қонунини ҳаётга тадбиқ этиш учун божхона ходимларига кўпроқ шижоат ва самарадорлик кўрсатиш амр қилинди. Британиянинг Америка сувларидаги ҳарбий кемаларига контрабандистларни ушлаш кўрсатмалари берилди ва “ёрдам варақалари” ёки ордеклар қирол ходимларига шубҳали биноларни тафтиш этиш ҳуқуқини берди.

1764 йили, Парламент “минбаъд, Олийзотларнинг колонияларида чиқарилган қоғоз пулларини қонуний тўлов воситасига айлантиришнинг олдини олиш учун Валюта Қонунини тадбиқ этди. Колониялар савдо-сотиқ жиҳатидан камомад ҳис этаётган ва мунтазам равишда нақд пул етишмаётган бир пайтда, бу чора колониялар иқтисодига қўшимча қийинчилик туғдирди. Қирол қўшинларини озиқ-овқат ва турар жой билан таъминлашни талаб этган Жойлаштириш Қонуни (1765) ҳам, кўчкинчилар наздида номақбул эди.

Британия Парламенти колонияларнинг бундай мавқеини қабул қилишга мойил бўлмаган. Бироқ, Америка бойкотининг асоратини ҳис этаётган Британия рад этиш ҳаракатига ён босди ва 1766 йили Парламент таслим бўлиб, Герб йиғими Қонуни бекор қилди ва Шакар Қонунини ўзгартирди. Бироқ, колониялар устидан марказлаштирилган назорат ўрнатиш тарафдорларини тинчлантириш учун Парламент бу чора-тадбирлар кетидан Тушунтириш Қонунини чиқарди. Мазкур қонун Парламентга “барча холларда” колониялар учун мажбурий бўлган қонунлар яратиш қудратини берди¹.

1767 йили ихтилоф туғдирувчи омиллар янгидан ҳаракатга келтирган қатор ўзга чора-тадбирлар юзага келди. Британиянинг Ғазна Канцлери (молия вазири) Чарльз Тауншенд янги молиявий программа ишлаб чиқариш мажбур бўлди. Америка савдо-сотиқ муомаласидан янада самарали бож солиқлари тўплаш орқали Британия солиқларини пасайтиришга астойдил бел боғлаган Тауншенд божхона маъмуриятини янада мустаҳкамлади ва айни пайтнинг ўзида Британиядан кўчкинчилар колонияларга экспорт этилувчи қоғоз, шиша, қўрғошин ва чой маҳсулотларига бож солиқлари қўллади. Тауншенд Қонунлари деб аталган бу қонунлар таянган асос шундан иборат эдики, колониялар томонидан импорт қилиб олинувчи маҳсулотларга солиқлар солиш қонуний бўлиб, (Герб йиғими Қонуни каби) ички солиқлар эса бўлмаган.

¹ Америка тарихи асослари. Нью-Йорк. 1998.

Тауншенд Қонунлари, қисман, Америкада колониал губернаторлар, судьялар, божхона ходимлари ва Британия армиясини қўллаб-қувватлашга сарфланиши лозим даромадларни кўтаришга қаратилган эди. Бунга жавобан Филадельфиялик адвокат Жон Дикинсон “Пенсильвания фермери Рисолалари” да шундай далил келтирдик, Парламент империя савдо-сотиқ ишларини назорат этишга ҳуқуқи бор, бироқ ташқи ё ички бўлишидан қатъи назар, колонияларга бож солиқлари солишга ваколати йўқ.

Тауншенд бож солиқларига қарши авж олган ташвиқот, Герб йғими Қонуни юзага келтирган ҳаракатдан заифроқ бўлсада, бироқ етарли даражада қудратли бўлиб, айниқса Шарқий соҳил бўйи шаҳарларида кучли эди. Тожирлар яна бир бор импорт олмаслик битимлари сиёсатини қўлладилар ва одамлар маҳаллий маҳсулотларини истеъмол қилишга таянди. Мисол учун, кўчкинчи колонистлар уйда тўқилган кийим-кечак кийишди ва чой ўрнини босувчи нарсалар ичишга кўника бошлашди. Улар ўзлари ишлаб чиқарган қоғозни ишлатиб, уйлари бўялмай қолаверди. Бостонда янги тартиботларнинг татбиқ этилиши зўравонликни юзага келтирди. Божхона ходимлари бож солиқлари йиғишга уринганида эса, халойиқ тазйиқи ва қўполликларга дуч келди. Мазкур қонунбузарлик оқибатида, божхона вакиллари ҳимоялаш учун Британиянинг иккита батальони жўнатилди.

Бостонда Британия аскарларининг мавжудлиги тартибсизликларга дебоचा бўлди. 1770 йилнинг 5 мартда шаҳрликлар ва Британ аскарлари орасидаги низо зўравонликни авж олдирди. Британ аскарларига безарар қор юмалоқларини отиш, олмон ҳужумига айланиб кетди. Кимдир ўт очишга буйруқ берди. Тутун тарқганида, қор устида учта Бостонликлар мурдаси ётарди. “Бостон Қирғини”, деб ном олган бу тўқнашув Британиянинг қаҳри қаттиқлиги ва раҳм-шавқатсиз зулмининг исботи сифатида қораланди.

Бундай қаршиликка дуч келган Парламент, 1770 йили стратегик тисарилиш сиёсатига ўтди ва Тауншенд чиқарган бож солиқларининг барчасини бекор этди: фақат, колонияларда хашамат буюмлари сирасига кирган ва аҳолининг ўта кам қисми томонидан истеъмол этиладиган чой бундан истесно бўлди. Кўпчилик учун Парламентнинг хатти-ҳаракатлари колонистлар ғалабасидан дарак берди ва Англияга қарши ҳаракат кенг қамров олди. Колонияларда “Инглиз чойи”га киритилган эмбарго давом этди. Бироқ у қадар қатъийлик билан риоя этилмади. Фаровонлик даражаси ошди ва аксарият колониял раҳбарлар ўзгаришлар тарафдори эди.

Одамларни ўз ижтимоий ва сийсий бошлиқларига нисбатан қўрқинчдан озод этиш, уларни ўз қудратлари ва аҳамиятларини ҳис этиш ва шу тариқа уларни ҳаракатга келтириш – Адамс ўз олдида қўйган мақсадлари эди. Бу йўналишда, у, мақолалар нашр этди ва шаҳар мажлисларида нутқлар сўзлади ва шу туфайли кўчкинчиларнинг демократик сайёи-ҳаракатларига туртки берган қарорларни юзага чиқарди.

1772 йили, кўчкинчи колонистларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва арзларини эшитиш учун Бостон шаҳар мажлисини “Мулоқот Ҳайъати”ни тайинлашга ундади. Ҳайъат, судьяларга маошларини божхона даромадларидан тўлаш ҳақидаги Британия ҳукуматининг қарорига қарши чиқди: қонун чиқариш тармоғига қарам бўлмайдиган судьялар, унга ҳисобот бермаслигидан, ва шу туфайли “ҳукуматнинг зулмқорона шакли” ўрнатилишидан чўчишди. Ҳайъат бу масала юзасидан бошқа шаҳарлар билан боғланди ва ўз фикрларини билдиришга ундади. Ҳайъатлар деярли барча колонияларда таъсис этилиб, улар асосида фаол инқилобий ташкилотлар ўсиб чиқди. Бироқ Адамс, ўт олдириш учун ҳали етарли ёнилғига эга эмасди.

Бироқ, 1773 йили, Британия Адамс ва унинг тарафдорларини аланга олдирувчи ихтилоф воситаси билан таъминлади. Кескин молиявий аҳволга тушганини кашф этган қудратли Ист-Индия Компанияси мадад сўраб Британия ҳукуматига мурожаат этди ва колонияларга экспорт қилинувчи барча чой маҳсулотларига монополия имтиёзини олади.

Шунингдек, Ист-Индия Компанияси, илгари чойни кўтарасига сотиб олган колониял хридорларни четлаб ўтиб, чаканасига сотувчиларни тўғридан-тўғри таъминлашга рухсат олади. 1770 йилдан кейин шу қадар равнақ топган ноқонуний савдо-сотик мавжуд эдики, Америкада истеъмол этилган чойнинг аксарияти хориждан норасмий, бож тўламасдан келтирилар эди. Ўз чой маҳсулотларини ўз воситачилари орқали ва истеъмол нархидан анча арзон сотиб, Ист-Индия Компанияси контрабанда молларини фойда келтирмайдиган ишга айлантирди ва айни пайтда мустақил колониял тожирларни четга суриб қўйиш таҳликасини туғдирди. Чой савдо-сотиғидан куруқ қолганигагина эмас, балки жорий этилаётган монополистик таомилдан қўзғолган колониал тожирлар мустақиллик ғоясини тарғиб этаётган радикалларга бирикди.

Атлантик океани соҳили бўйлаб юқори ва қуйи портларда Ист-Индия компаниясининг агентлари истеъфого чиқишга мажбур этилди ва чойнинг янги юклари Англияга ёки келтирилган жойига қайтарилди. Бироқ Бостонда компания агентлари кўчкинчи колониистларни назар писанд қилмади ва қирол губернатори ёрдамида келаётган юкларни қаршиликка ҳам қарамасдан, қабул қилишга тайёргарлик кўрди. 1773 йилнинг 16 декабр тунида Самуил Адамс бошчилигидаги Мохаук ҳиндулари либосларини кийиб олган бир тўда кўчкиилар лангар ташлаб турган Британиянинг учта кемасига кўтарилди ва улардаги чой юкларини Бостон кўрфазининг сувларига ағдарди. Агарда чой юклари портга туширилса, кўчкинчи колониистлар солиқларга тан бериши ва чойни сотиб олишдан ҳадиксираш ҳиссиёти уларни шундай қилишга ундади. Адамс ва унинг радикаллар гуруҳи ўз мувотинларининг қатъий туриб беришига шубҳаланди.

Эндиликда, масала Британия қироллиги даражасига кўтарилди: Ист-Индия компанияси Парламент муҳофазаси мақомини олгани туфайли, агарда чой юкининг нобуд этилиши жазосиз қолдирилса, Парламент бутун дунё олдида колонияларни назорат эта олмаслигини тан олган бўларди. Британия ҳукумати деярли бир овоздан Бостон Чой Можаросини ваҳшийлик, деб қоралади ва исёнкор кўчкинчи колониистларни тартибга чақириш учун қонуний тадбирлар қўллашни ёқлаб чиқди.

Парламент бу воқеаларга жавобан шундай янги қонунлар қабул қилдики, колониистлар уларни “Мажбурий ёки чидаб бўлмайдиган Қонунлар” деб атади. Биринчиси, Бостон Порт Бильлига биноан, нобуд этилган чой ҳақи тўланмагунга қадар Бостон порти ёпилди. Бу чора шаҳар ҳаёти учун ўта таҳликали эди, чунки Бостонни денгизга чиқиш имкониятидан маҳрум этиш иқтисодий фалокатни билдирарди. Ўзга қонунлар маҳаллий ҳокимиятни чегаралади ва аксарият шаҳар мажлисларини қирол губернаторининг розилигисиз ўтказишни таъқиқлади. Ҳарбий Жойлаштириш Қонуни маҳаллий ҳокимиятлардан Британ аскарлари учун лойиқ, агарда керак бўлса, шахсий уйларда турар жойлар топишни талаб этди. Парламент кўзлаганидек, Массачусетс колониясини тобе этиш ва айри қолдириш ўрнига, бу қонунлар қўшни колонияларни Массачусетсга мадад беришга жипслаштирди.

Тақрибан ўша пайтда чиқарилган Квебек Қонуни Квебек провинцияси чегараларини кенгайтириш ва француз аҳолисига диний эътиқод эркинлигини ва ўз қонуний урф-одатларидан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини кафолатлади. Колониистлар бу қонунга қарши чиқишди, чунки олдинги хартия талабларини назардан четда қолдириш туфайли, уларни шимол шимоли-ғарбда Рим Католиклари устувор провинция билан чегаралаш таҳлика туғдирар эди. Квебек Қонуни жазоловчи чора сифатида қабул қилинмаганига қарамай, у америкаликлар томонидан Мажбурий Қонунлар қаторига киритилиб, уларнинг ҳаммаси “Бешта чидаб бўлмас Қонун” сифатида ном чиқарди.

Виржиния Муниципиал Палатасининг ташаббуси билан, “Колонияларнинг ҳозирги бадбахт мақоми борасида маслаҳатлашиб олиш учун” 1774 йилнинг 5 сентябрида колониялар вакиллари Филадельфияда йиғилишди. Биринчи Континентал Конгресс сифатида маълум бу йиғинга вакиллар провинциялар конгресси ёки конвенти (мажлиси)

томонидан сайланди. Жоржиядан ўзга ҳар бир колония камида битта вакил юборди ва жами тўпланган 55 вакил турли қарашларни ифодалаш учун етарли бўлиб, бироқ ҳақиқий муҳокамалар ва самарали иш юритиш учун ўта кам эди. Колониялар ўзга мавжуд қарашларнинг хилма хиллиги вакилларни ўта мушкул вазиятга қўйди. Британия ҳукумати ён босишга ундаш учун улар етарли даражада қатъий яқдиллик кўрсатишлари керак эди ва айна пайтнинг ўзида, мўътадил америкаликларнинг ҳаяжонга солмаслик учун радикализм ёки мустақиллик руҳини зинҳор билдирмасликка мажбур эдилар. Эҳтиёткорона оҳангдаги асосий маъруза нисҳасидаги “қарор қилинди” қисмида Мажбурий Қонунларга итоат қилиш мажбурий эмаслиги айтилиб, қатор қарорлар қабул қилинди: шулар жумласидан, колонистларнинг “ҳаёт, озодлик ва мулк” ҳуқуқлари ва провинциялардаги қонун чиқариш тармоқларининг “солиқ солиш ва ички сиёсат борасидаги барча масалаларни” ҳал этиш ҳуқуқи ҳам қайд этилди.

Конгресс томонидан жорий этилган энг муҳим иш - “Континентал Уюшма”ни ташкил этиш бўлиб, у савдо-сотик бойкотини қайта тиклаш, божхона декларацияларини назорат этувчи комитетлар тизими яратиш, шартномаларни бузган тожирларнинг номларини нашр этиш, уларнинг импорт молларини мусодара этиш, тежамкорлик, иқтисод ва саноатни рағбатлантириш саъй-ҳаракатларини таъминлади¹.

Уюшма дарҳол колонияларда етакчи мавқе эгаллаб, қирол ҳукмронлиги қолдиқларини бартараф этишга қаратилган янги маҳаллий ташкилотлар барпо эта бошлади. Мустақиллик тарафдорлари томонидан бошқарилган мазкур ташкилотлар фақат ўртамеёна одамлардангина мадад олиб қолмай, балки профессионал табақалар, яъни адвокатлар, жанубий колонияларнинг аксарият плантаторлари ва қатор тожирлардан ҳам кўмак олди. Улар оммавий ҳаракатга бирикишга иккиланиб турганларни кўрқитишди ва қаршилиқ кўрсатганларни жазолашди ҳамда ҳарбий ашёлар тўплай бошлаб, лашкар сафарбар этишга киришдилар ва жамоатчилик фикрида инқилобий шижоатни авж олдиришди.

Шунга қарамай, Британиянинг Америка ҳуқуқларига аралашувига қарши турган кўплаб америкаликлар масаланинг мақбул ечими сифатида мунозаралар ва келишувлар йўлига ҳайрихоҳлик билдиришди. Бу тоифадаги одамлар қаторига қирол тайинлаган расмий ходимлар, квакерларнинг кўпчилиги ва зўравонлик ишлатишга қарши турган ўзга диний мазҳабларнинг аъзолари, кўплаб тожирлар – айниқса ўрта ер колонияларидан – ва айрим норози фермерлар ҳамда Жанубий колониялардаги чегара аҳли кирди.

Бостон горнизони, рафикаси Америкада таваллуд топган хушмуомала инглиз жентльмени Томас Гейг кўмондонлик қилган, у ерда эса сиёсий фаолият деярли буткул равишда савдо-сотикни сиқиб чиқарган эди. Гейгнинг колониялардаги асосий бурчи Мажбурий Қонунларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборат эди. Массачусетс колониялари 33 километр узоқликдаги Конкорд шаҳарчасида порох ва ҳарбий ашёларни жамлаётгани ҳақида хабар унинг қулоғига етганида, генерал Гейг қурол-аслаҳани мусодара этиш учун гарнизондан кучли гуруҳ юборди.

Туни билан йўл юриб, Британия аскарлари 1775 йилнинг 19 апрелида Лексингтон қишлоғига етиб келдилар ва эрта саҳар шаффофида баҳайбат ва сокин бир гуруҳ – 70 нафар Бирдақиқачи, яъни жангга бир дақиқа ичида тайёр бўла олишларини пеш қилгани туфайли шундай деб аталган халқ лашкарини кўрдилар. Бирдақиқачилар фақат сукунат норозилиги билдиришга тўпланган эдилар, бироқ Британия аскарларининг раҳбари майор Жон Питкери, “Тарқалинг, лаънати исёнкорлар! Эй, итлар, қочинг!” деб ҳайқирди. Бирдақиқачиларнинг раҳбари капитан Жон Паркер ўз аскарларига биринчи бўлиб ўқ отмасликни тайинлади. Америкаликлар чекина бошлаганида, кимдир ўқ отди ва оқибатда Британ аскарлари бирдақиқачиларни ўққа тутди. Сўнгра, Британияликлар милтик

¹ Америка тарихи асослари. Нью-Йорк. 1998

найзабозлиги хужумига ўтиб, саккиз кишини ўлдирдилар ва 10 кишини яраладилар. Ральф Валдо Эмирсоннинг кўпинчалик қайтарилувчи ибораси билан айтганда, бу – “овозаси дунё узра янграган ўқ” бўлди.

Куролли тўқнашувнинг тўсатдан авж олиб кетганига қарамай, Англиядан тамомила ажралиш ғояси Континентал Конгресс аъзоларининг айримларига ҳамон ёт эди. Июль ойида, бирор битим ишлаб чиқилмагунча, Жон Дикинсон Англия қиролидан жангу жадални олдини олишни ёлвориб, “Зайтун Новдаси Номаси” (тинчлик рамзи) сифатида маълум фармойиш чиқарди. Бироқ бу илтимоснома қарга айтилган гап бўлиб, қирол Жорж III 1775 йилнинг 23 августида содир этган расмий Билдиришномасида Америка колонияларининг исён мақомида эканлигини эълон қилди.

Британия жанубий колониялар унга лаёқат сақлаб қолишини кутган эди, чунки уларнинг қулдорликка таянгани қисман далда берарди. Жанубий колонияларда истиқомат қилувчиларнинг кўпи метрополияга қарши кўтарилган мазкур қўзғолон оқибатида ўз қуллари ҳам плантаторларга қарши бош кўтаришидан қўрқар эди. Дарҳақиқат, 1775 йилнинг ноябрида Виржиниянинг губернатори Лорд Денмор Британия тарафида курашадиган барча қулларга озодлик таклиф этди. Бироқ Денморнинг таклифи кўп виржинияликларнинг исёнкорлар томонига ўтишига келтирди, акс ҳолда эса, улар Монархист бўлиб қолишлари ҳам мумкин эди.

Шимолий Каролина губернатори Жошуа Мартин ҳам Шимолий Каролина аҳолисини қирол ҳокимиятига содиқ қолишга ундади. 1500 киши Мартин чақириғига жавоб берганида, Британия аскарлари ёрдамга етиб келишга улгуришидан олдин, улар инқилобий кучлар томонидан мағлуб этилди.

Британиянинг ҳарбий кемалари Жанубий Каролинанинг Чарлстоун шаҳри қирғоғига бетўхтов етиб келмоқда эди ва 1776 йил июнь ойининг бошида шаҳарга қараб ўт очдилар. Бироқ, Жанубий Каролина аҳолиси тайёргарлик кўришга улгурган эди ва ойнинг охирига келиб Британия аскарларини улоқтириб ташлади. Шу тариқа, орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтмагунча, улар Жанубга қайтиб келишмади.

1774 йили Англиядан Америкага келган сиёсатшунос-назариячи олим ва ёзувчи Томас Пэйн 1776 йилнинг январидида “Ақл-идрок расолиги”, деб ном олган 50 бетлик рисола ни нашр этди. Уч ой мобайнида бу рисола нинг 100000 нусхаси сотилди. Пэйн наслий монархия ғоясини танқид қилиб, “жамийки яшаган тождор безориларга” нисбатан битта шариф инсон жамият учун қадрли бўлганини тараннум этди. У икки муқобил вариантни тақдим этди – зулмкор қирол ва сийқаси чиққан ҳукуматга қилмоқ ёхуд ўз талабларини ўзи қондирувчи мустақил республика асосидаги озодлик ва бахт-саодат. Колониялар узра қўлма-қўл бўлиб кетган “Ақл-Идрок Расолиги” Англиядан айри ҳаёт қуришга интилишни юзага чиқарди.

Бироқ, ҳар бир колониядан расмий баёнот олишга эришиш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда эди. Иккинчи Континентал Конгресс илк бор йиғилган кундан кейин бир йил ўтгач, 1776 йилнинг 10 май куни, Англиядан ажралишга чақирувчи қарор қабул қилинди ва гап расмий баёнот чиқаришга тақалди. 7 июнь куни, Виржиниялик Ричард Хенри Ли “Мазкур Қўшма Колониялар, замонавий равишда, озод ва мустақил штатлар” эканлигини эълон қилувчи қарорни муҳокамага қўйди. Расмий баёнотнома таёрлаш учун виржиниялик Томас Жефферсон бошчилигидаги беш аъзодан иборат Комитет тайинлади¹.

¹ Согрин В.В. Основатели США: исторические портреты. – М «Наука» 1983, с 174

2. Етти йиллик урушдан кейинги даврда парламент фаолияти.

1715 йилдан бери узлуксиз ҳокимият тепасида туриб келган Вигилар партияси 60-йилларнинг бошларида кризисга учради. Партия ичидаги турли фракциялар ҳокимият учуун, сердаромад давлат лавозимлари учун кураш олиб бордилар. Ҳали ҳам оппозицияда бўлган торилар партияси “семириб кетган Вигиларга” ҳасад билан қарар эдилар. Вигилар мактаниб гапирган ҳарбий ва дипломатик муваффақиятлар аслида жуда арзимаган муваффақиятлар эди. Урушлар мамлакатга жуда қимматга тушди. 1760 йилнинг ўзидагина ҳарбий бюджет ўн беш миллион фунт стерлингни ютиб юборди. Англия юз минг кишилик армияни сақлаши керак эди. Мустамлакаларни талашдан олинган фойдалар эса бевосита мустамлакачилик савдо – сотиғи билан шуғулланувчи бир ҳовуч сиёсий корчалонлар ва савдогарлар ҳамёнига келиб тушар эди. Саноат тўнтаришининг бошланиши инглиз жамиятида катта социал ўзгаришларга олиб келмоқда эди. Саноат буржуазияси ўсиб, парламент реформалари ўтказиш учун кечиктириб бўлмайдиган вазифа бўлиб қолди, чунки янги саноат шаҳарлари ҳар қандай сайлов ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум эдилар.

Ҳокимиятни ўз қўлларида ушлаб турган Вигилар парламент системасини реформа қилишни ва бошқаришнинг синалган методи сифатида коррупциядан воз кечишни ҳаёлларига ҳам келтирмас эдилар. Вигиларнинг бой буржуазияси ва дворянлар синфи доирасида аввалги нисбий шухратини йўқотиб қўйиши ҳамда аҳолининг кенг демократик доираларида уларга нисбатан очикдан – очик нафратнинг кучайиши Вигилар партиясини қайта қуриш ва унинг программасига янги шиорлар киритиш зарурлигидан дарак берар эди. Вигилар партияси кризисининг бевосита оқибати – улар орасида “сўл” Вигиларнинг ажралиб чиқиши бўлди, “қўллар” эса парламент реформаси ҳақидаги масалани кун тартибларига қўйишлари керак эди. Вигилар партиясида ажралиш амалда хийла кечроқ, 70 – ва 80 – йилларда юз берди. Вигилар 60 – йилларда, яъни уларнинг партиясида қайта қурилишлари рўй бермасдан илгари ҳокимиятдан воз кечишлари керак эди. Улар ўзлари унитаризмга кучнинг тазйиқи остида ҳокимиятдан воз кечишлари керак эди. Дастлабки Георглар вақтида бутунлай путурдан кетган қирол ҳокимияти бирдан жонланиб, кутилмаган активлик кўрсатди. Бу воқеа Ганновер династиясининг учинчи намояндаси, қирол Георг III (1760 – 1820) подшолигининг бошланиш даврида юз берди¹.

Георг III 22 ёшидан подшолик қила бошлади. Бобоси ва катта бобосига (Георг I ва Георг II га) қарама – қарши ўлароқ, Георг III ўзининг олган тарбиясига ва ҳаттоки баъзи “одатларга” (масалан, ториларга беҳад илтифот кўрсатишига) кўра у энди ҳақиқий “ингилиз қироли” эди. У Конституцион қирол бўлиш билангина чекланиб қолмасдан (бундай қирол “подшолик қилади, лекин бошқармайди”) ўзи бошқармоқчи эди. Буржуа доираларида Вигиларга қарши ўсиб бораётган норозиликдан фойдаланиб ва асосан ториларнинг очикдан – очик ёрдамига таяниб, қирол Вигилар кабинетидан осонгина тутилди. 1761 йилда Ньюкастль-Питт кабинети истеъфо берди. Георг III парламентдаги кўпчиликка таянмайдиган ўзига яқин, сарой амалдорларидан, яъни “қирол дўстлари”дан иборат “ўзининг” алоҳида министрлигини тузмоқчи бўлди. Министрликка қиролнинг энг яқин кишиси, тори, лорд Бьют бошлиқ қилиб қўйилди. У эса ҳатто парламент аъзоси эмас эди. Тўғри, Бьют ҳар қалай озгина фурсат ичида умум палатасида ўзига итоаткор кўпчиликка эга бўлиб олишга муваффақ бўлди. Бунга у эски усул – парламент аъзоларини сотиб олиш усули ёрдамида эришди. Парламент коррупцияси системаси бу сафар парламентнинг ўзига қарши қаратилган эди. Қирол гумаштаси ғалаба қозонган бўлса- да, бу ғалабанинг тағи жуда бўш эди.

¹ Согрин В.В. Основатели США: исторические портреты. – М «Наука» 1983, с 174

1761 йилнинг охирларида Лондонда жиддий намоишлар ўтказилаётган эди. Бир тўда “авом халқ” лорд Бьют ўтириб кетаётган каретага лой чапиб, тош бўрон қилдилар. Умуман палатасининг аъзоси, талантли радикал журналист Жон Уилкс ҳам Бьютга қарши кампанияни бошлаб юборди. Уилкс ўзининг “Шимолий британиялик” номли газетасининг 1762 йил 45-сонида қирол имтиёзлари ва парламент ҳуқуқлари тўғрисида эски масалани яна кўтариб, қиролнинг тахтга чиқиш маросимидасўзлаган нутқини кескин танқид қилди. Қиролнинг бевосита буйруғига биноан газетанинг шу сони мусодара қилинди, газета ношири Уилкс турмага ташланди ва беадабликда айбланди. Парламент Уилкс ишида ўзини-ўзи шарманда қилди. Уилкс парламент эркинликлари учун жонбозлик қилган бўлса ҳам, умум палатаси уни ўз составидан чиқариб юборди. Уилкс тез орада тумадан озод қилинган бўлса-да, сиёсий фаолиятдан четлатилган эди ва бир неча йилга континентга кетишга мажбур бўлди. Унинг ўрнини қиролнинг бошқа бир яқин кишиси лорд Гренвилл олди. Гренвилл ҳам ториюлардан бўлиб, умуман олганда ўз ўтмишдошининг сиёсатини давом эттирди (1763 – 1764)¹.

60 – йилларнинг ўрталарида ва иккинчи ярмида сарой Вигилар ва ториюлардан иборат, лекин ториюлар таъсирининг устунлигини сақлаб қолган ҳолда коалицион кабинетлар тузмокчи бўлди.

Уилкс кейинчалик Англияга қайтиб келган (1768) ва намоишкорона суратда парламент аъзоси қилиб сайланган, матбуотда янги оппозицион радикал мақолалар билан чиққан бўлса ҳам, “қирол дўстлари” ҳукумати анча вақтгача ҳокимият тепасида қолаверди. 60- йиллардагина эмас, 70- йилларда ва 80-йилларнинг бошларида ҳам кўпчилик қисми ўнг ториюлардан иборат бўлаган ва парламент билан унча ҳисоблашмайдиган, шу вақтда давомли сиёсий тушкунлик ҳолатида бўлагн реакцион қирол министрлари ҳукуматни бошқарган эдилар.

Ниҳоят, ўн йилдан ортиқ (1770 – 1782) яшаб келган лорд Нортнинг энг реакцион тори – қирол министрлиги ториюлар сиёсатини бутунлай емирилиш даражасига олиб келди. Норт ҳукумати юргизган сиёсат Англиядаги ғоят пугурсиз уруш, яъни Шимолий Америка мустамлакаларига қарши ошкора урушнинг бошланиб кетишини тезлаштирди. Мамлакатда иқтисодий ва социал зулмга қарши халқ қўзғолонлари тўлқини – озиқ- овқат ғалаёнлари, стачкалар, машиналарни уриб синдирувчилар (айниқса Ланкаширда) исёнлари, ториюлар министрлигининг манфур тадбирларига қарши намоиўлар бўлиб ўтди. Халқ қўзғолонлари Лондоннинг ўзида бир неча бор кўтарилди. Бу қўзғолонлар 1780 йил июнь ойининг бошларида айнақса кенг тус олди. Қўзғолонни бостириш учун ўнг минг солдатдан иборат бутун бир армия ишга солинди. Бундан кўркиб кетган пойтахт буржуазияси ўз мулкани ҳимоя қилиш учун ошиғич равишда қуролланди ва қўзғолон кўтарган халққа қарши юриш бошлади. Лондон муниципал кенгаши сулҳ тузилишини талаб қилди. Георг III ва унинг дўстлари буржуа кенг доиралари ўртасида обрўсини бутунлай йўқотди. 1781 йилда парламент мажлисида сўл Вигилар раҳбари Фокс қирол ҳукуматини Америкада “ғайри табиий” ва “қон-қардошни ўлдирадиган” уруш бошлаб юборганликда қаттиқ айиблаб чиқди. Парламент уруш тўхтатилишини қатъий ёқлаб чиқди. Норт ҳукумати ниҳоят истеъфо беришга мажбур бўлди. Георг III нинг давлатни абсолютистик методларга тақлид қилиб бошқариш йўлидаги уринишлари тамомила муваффақиятсизликка учради. Парламент системаси яна кучга кирди. Бироқ ҳокимият тепасига Георг III нинг муваффақиятсизликка учрашидан фойдаланиб қилмокчи бўлган Вигилар ўрнига барибир ториюлар, лекин уларнинг янги фракцияси келди¹.

¹ . www.google.ru

¹ www.ziyounet.uz

Франция билан Англия ўртасидаги уруш француз абсолютизмининг жиддий мағлубияти билан тамом бўлди. Франциянинг асосий кучлари Фридрих II га қарши кураш билан банд эди. Франциянинг сарой аҳли ўзининг Австрияга ёрдам тариқасида берадиган аскарлари сонини 105 мингга ва ҳар йилги ёрдам пулини 24 млн. талерга етказиш мажбуриятини зиммасига олди, лекин француз армияси тамомила таназзулга юз тутган эди. Франциянинг Англияга қарши Испания Бурбонлари билан 1761 йилда иттифок тузуши ҳам унга ёрдам бермади. Испания флоти заиф бўлиб, яхши қуролланмаган эди. Британия ҳукумати ҳалаба эршиш учун кескин чоралар кўрди. 1757-1761 йилларда британия ҳукуматининг бошлиғи Катта Уильям Питт эди. У флотни кучайтириш учун пулни аямаслик ва кемаларни тез фурсатда яроқ аслаҳа билан таъминлаш учун қатъий чоралар кўриш зарурлигига парламентни инонтирди. Уильям Питт денгизда ҳукмронлик қилиш ва мустамлакалар босиб олиш “бугунги кунда бойлик орттиришдан кўра муҳимроқ”дир деди.

Инглиз қўшинлари Канадани босиб олди. Ҳиндистонда Британия Ост-Индия компанияси қўшинлари билан Франция Ост-Индия компанияси қўшинлари ўртасида уруш борар эди. Французларнинг Ҳиндистондаги таъсирининг таянчи Бенгал эди, аммо инглизлар кўзга кўринган феодалларни пора бериб, ўз томонига жалб этишга ва уларнинг норзилигидан французлар тарафдори бўлган маҳаллий ҳокимга (навабга) қарши фойдаланишга муваффақ бўлдилар. 1757 йили наваб армияси инглизлар томонига ўтди ва французларнинг Ҳиндистондаги устунлигига барҳам берилди. 1763 йили Версалда Англия, Франция ва Испания ўртасида сулҳнома имзоланди, бу сулҳнома Канаданинг Англия қўл остида бўлишини ва Англиянинг Ҳиндистондаги устунлигини мустаҳкамлади. Испания Флорида билан Меноркани Англияга берди. Франция абсолютизмининг обрўи тушиб кетди. Шу билан бир вақтда Етти йиллик натижасида Англиянинг кейинги даврлардаги мустамлакачилик кудрати учун асос солинди.

Лекин 1763 йилга келиб етти йиллик уруши давомида вазият ўзгарди. Бу урушда инглизларнинг ғалабасига қарамай, Француз Колониялар ҳисобига инглизларнинг ҳудуди кенгайди, аммо британия ғазнасига жуда катта зарар етказилди. Буюк Британия етти йиллик уруши даврида жуда катта давлат қарзи 340 млн фт.ст билан чиқди. Шунинг учун ҳам Англия ҳукумати Шимолий колонияларини французлардан ҳимоя қилганлиги сабали хизматлари учун улардан бож тўлашга мажбур этдилар. Ўша йиллардаги Англия бош вазири Гренвилл парламентга Шимолий Америка колонияларида мустамлакачилик зулмини кучайтириш ва шу билан биргаликда солиқларни кўпайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳаларини

Франция билан ҳиндулар орасидаги урушнинг оқибатида Британия ўз империясини янгича шакллашга мухтож эди, бироқ Америкадаги вазият ўзгартириш киритишга мойил эмасди. Узоқ муддат давомида мустақиллик нашидасини ўзлаштириб бўлган кўчкинчилар камроқ эмас, балки кўпроқ озодлик талаб этишарди. Франция тахликаси даф этилган бир пайтда, бу интилиш янада кучайди. Янги тузумни жорий қилиш ва назоратни кучайтириш учун парламент ўзини-ўзи бошқаришга кўникиб қолган ва ўз ишларига аралашувга қарши турган кўчкинчи колонистлар билан кураш олиб боришга мажбур эди¹.

¹ Америка тарихи асослари. Нью-Йорк. 1998

3. Шимолий Америкадаги инглиз мустанлакаларида мустанлилик уруши бошланиши арафасида парламентнинг уларга муносабати.

Шимолий Америка Колонияларининг мустанлилик учун уруш, XVIII асрнинг иккинчи ярмида Англиянинг нафакат иктисодий, балки сиёсий ҳаётига жуда катта таъсир ўтказди. Бу биринчи ўринда Буюк Британия парламентининг фаолиятига ўз таъсирини кўрсатди. Колонияларнинг мустанлилик учун уруши Англия парламентида бир қанча гуруҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу кураш асосан Вигилар ва Торилар ўртасида бўлиб ўтган эди.

Вигилар ва Торилар асосан XVIII асрда икки партиявийлик тизимида асос солган бўлиб, бундай тизим Реставрация даврида (1660-1648 йил) бири республикача ғояларни химоя қилган бўлса, бошқаси эса аристократиянинг манфаатларини тиришқоқлик билан химоя қилар эди, шунингдек қиролнинг ҳокимиятини мустанлаклаш учун ҳаракат қилар эди.

Бу гуруҳларни йўлбошчиларининг таркиби бир-бирига ўхшаш эди. Асосан бундай гуруҳларнинг раҳбари номдор зодгонлар бўлишган – булар лендлордлар эди. XVIII асрнинг ўрталарида Англияда бундай бўлишига сабаб бу мамлакат ўша вақтда аграр мамлакат бўлган. Асосий ҳокимият тармоқлари катта ер эгаларининг ихтиёрида бўлган. Бироқ аста секинлик билан бу гуруҳларнинг ичида ҳам ажралиш пайдо бўла бошлади. Бир гуруҳда энди янгича капиталистик тизимда ривожланиш йўлини танлашган (лендлордлар ва джентрилар) бўлса, кейинги гуруҳда эса эскича тизимда ўша ер рентасига кун кечирадиган ўрта дворянлар табақаси (сквайрлар) эди. Айнан сквайрлар революция даврида ерларнинг бир қисмидан маҳрум бўлган эдилар. Шунинг учун ҳам тахтга қайтарилиб ўтказиш мақсадида йўқотилган ерларни қайтариб олиш эди. Шунинг учун ҳам сквайрлар асосан ториларни ташкил этган бўлса, джентрилар эса Вигилар деб номлана бошлади. Джентрилардан ташқари Вигилар таркибига “ўрта қатлам” вакиллари (савдогарлар, шаҳар саноат буржуазияси, амалдорлар) ҳам киришган. Виги ва Торилар нафакат сиёсий нуқтаи назарлари билан фарқ қилишган, балки уларнинг диний эътиқодларида ҳам фарқ бўлган. Торилар асосан англикан черковига эътиқод қилишган бўлса, Вигилар эса – пуританлар бўлишган.

Вигилар партиясининг ичида ижтимоий ва диний фикрларнинг муросасизлиги туфайли уларнинг фикрлари давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳам бир қанча масалалар ҳам бўлиниш бўлган. Парламент гуруҳларининг раҳбарлари ички ва ташқи сиёсатда асосий мақсадлари ўзларини бойликларини кўпайтириш бўлган. Бу гуруҳларни уларнинг лидерлари номи билан аталган. Масалан (Дж. Гренвиллар – “грениллитлар”, маркиз Ракингем – “ракингеллитлар”, Ч. Фокса “-” фокситлар, граф Чатемама – “чэтэмитлар” ва бошқалар. Бундай фракциялар сиёсий жиҳатдан унча мустанлам бўлмаган. Лекин шунга қарамай партия ичидаги бирдамлик йўқлигига қарамай сиёсий курашда Торилар билан кураш олиб боришда ҳалал бермаган. Вигилар партияси 40 йил мобайнида 1721 йилдан эътиборан парламентда ўзларининг лидерлик мақомини ҳеч кимга бермай келган ва ҳукумат тепасида туришган¹.

XVIII асрнинг 60-70 чи йилларига келиб Вигилар партияси инқирозга юз тутди. Бунинг сабаби саноат тўнтарилиши жараёнида янги ижтимоий – иктисодий шароитларни пайдо бўлишидир. Биринчи ўринда савдо – саноат буржуазиясининг таъсирини ўсиши, негаки булар иктисодий кучайиб, аста секинлик билан сиёсий ҳокимиятга даъволари пайдо бўлди. Бироқ ҳокимият тепасида турган Вигилар уларни сиёсий ишларга умуман яқинлаштирмаган эди. Шунинг учун ҳам саноатчилар ва савдогарлар Вигилар партиясини

¹ www.google.ru

қўллаб – қувватламай қўйдилар. Аммо улар Вигилардан савдогарлар ва саноатчилар аста секинлик билан Ториларга ўтиб кетдилар.

Вигилар инглиз жамиятидаги ижтимоий ўзгаришларга унчалик ҳам эътибор беришмади. Улар савдогарларни ва саноатчиларни оғдиришди, ўрнига улар ҳали ҳамон ички ва ўзаро урушлар билан банд эдилар, шунингдек қирол ҳокимиятидан ҳам улар норози эдилар. 1760 йилда ҳокимият тепасига Георг III қирол бўлиб келади. Георг III олдинги қироллардан фарқли ўлароқ давлатни бошқаришда фаолроқ фаолият олиб боришни хохлади. Монарх парламент ваколатларини қисқартириб, қирол ваколатларини кенгайтиришни хошлар эди.

Қирол ҳокимиятини кучайтиришга вигилар томонидан жорий қилинган сайлов тизими анчагина ёрдам берди. Бу ўз – ўзидан кўриниб турибди вигиларнинг ҳокимият тепасидан кетишига сабаблардан бири бўлди. Англияда Георг III даврида сайлов ҳуқуқига фақатгина олти минг эркаларгина ҳаққи бор эди холос. Бу дегани – ҳар 300 тадан биттасида овоз бериш ҳуқуқи бор эди. Қирол амалда ижро ва қонунчилик ҳокимиятини бошқарар эди. Парламентнинг умумпалатасида 558 одамдан 200 тасидан ортиғини қиролнинг одамлари эгаллаб турур эди.

Вигиларнинг таъсир доирасини пасайтириш мақсадида, Георг III 1762 йилнинг 26 май куни вигилардан бўлган герцог Ньюкастлни бош вазир лавозимидан озод этди. Ярим асрлик анъанани бузган ҳолда унинг ўрнига торилар партиясининг вакили граф Бьютни тайинлади. Негаки торилар қирол ҳокимиятини кучайтириш тарафдори эдилар.

Шундай қилиб XVIII асрнинг ўрталарига келиб қирол ҳокимиятини кучайтириш мақсадида вигилар ўртасида ҳам бўлиниш содир бўлди: қирол ҳокимиятига ўта ён босувчилар – консерваторлар (гренвиллитлар ва Бедфорд гуруҳлари), келишувчилар “мўътадиллар” (чатамитлар) ва қиролга қарши бўлганлар “радикаллар” (рокингемитлар). Шимолий Америкадаги колониялар муаммоси пайдо бўлгунча бу қарама-қаршилик кўзга кўринмас эди.

Ўзаро ички зиддиятларга қарамай, дастлаб қирол ва парламент ташқи сиёсатда мустамлакаларга нисбатан метрополияни янада бойитиш манфаатлари бир-бирига ўхшаш эди. 1763 йилнинг 16 апрелида қирол торилар партияси вакили граф Бьютни бош вазир лавозимидан бўшатиб, вигиларнинг “консерватор”ларнинг сардори Гренвиллни бош вазир этиб таъинлайди. Айнан Гренвиллнинг бош вазирлик даврида Шимолий Америка колонияларига нисбатан солиқ мажбуриятларини кучайтириб юборди.

Инглиз мустамлакачилари Шимолий Америка колонияларини ҳам иқтисодий, ҳам саноат ишлаб чиқаришда ва ҳар томонлама ривожланишга тўсқинлик қилар эди. Хаттоки Англияга озиқ – овқатларни олиб киришда ҳам бож тўловларни ҳам кўпайтириб юборишган эди. Бироқ шундай тўсқинликларга қарамай, инглиз мустамлакачилари айрим соҳаларда бир қанча эркинликларга йўл очиб беришган. Англия ҳукумати Шимолий Америка мустамлакаларида қишлоқ хўжалигини, кemasозликни, темир рудаларини қазиб олиш, чуянни қуйиш соҳаларига кенг йўللار очиб берган. Шимолий Америка колонияларидан метрополияга асосан бир неча маҳсулотлар экспорт қилинган (чўян, пахта, тамаки). XVIII асрнинг ўрталарига келиб Шимолий Америкада ички бозор шакллана борди. Аммо Гренвиллнинг ҳукумати Шимолия Америка мустамлакалари билан ҳам сиёсий ва ҳам иқтисодий манфаатларини қизиқтирмас эди. Негаки, бу вақтда инглиз мустамлакачиларининг асосий эътибори Шарққа, Ҳиндистонга қаратилган эди¹.

1764-1765 йилларга келиб Гренвилл бошчилик қилаётган ҳукумат Шимолий Америка колонияларга нисбатан янги солиқлар ва йиғинларни жорий қилдилар. Бу солиқ ва йиғинлар асосан шакарга, пул, турар жойга ва Герб йиғими деб белгиланди. Англия

¹ Плешков В.Н. Внешняя политика США в конце XVIII в. – Л., 1984

хукуматининг фикрича Шимолий Америка колонияларидан бу солиқлар ва йиғимлардан жуда катта даромад кўтилатган эди. Бу солиқ ва йиғимлар ичида герб йиғими асосий фойдани келтириши керак эди. Инглиз мустамлакачиларнинг хисоби бўйича бу солиқлардан йилига 60 минг фунт стерлинг фойда келтириши керак эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки бу қонун лойиҳалари ҳукуматнинг ичида ҳам ўзаро баҳс мунозаралар ва тортгушувлардан иборат эди. Бундай янги солиқлар ва йиғимларга савдо вазири граф Шелборн норозилик бидирди. Граф Шелборн “чэтэмитлар” муътадил вигилар гуруҳига кирган. Унинг фикрича бундай солиқлар Англияни ва Шимолий Америка колониялар ўртасидаги махсулот ва савдо-сотиқ айланмасини пасайтириб юбориш мумкин эди. Бироқ бошқа вазирлар Гренвиллни таклифини маъқулладилар. Бунга жавобан эса граф Шелборн ўз лавозимидан бўшади ва унинг ўрнига торийлар партиясининг вакили граф Хилсборо тайинланди. Граф Шелборнни нафақат ҳукумат ичида балки парламентда ҳам унинг лойиҳасини рад этдилар. Депутатларнинг асосий мақсади ҳам бу солиқлар ва йиғимлардан тушадиган даромадлар қизиқтирган, шунинг учун ҳам бош вазир Гренвиллнинг қонун лойиҳасини улар бир овоздан қабул қилдилар. Аммо бу қонунларга ва йиғимларга Шимолий Америка колонияларида жуда катта норозилик намоишлари бўлиб ўтди. Колонистларни энг ғазабга келтиргани бу герб йиғимлари бўлди. Бу қонун лойиҳаси 1765 йилнинг 22 мартда Англия парламенти тасдиқланган бўлса, ўша йилнинг 30 – майга келиб, бу қонунни ноқонуний деб тан олдилар. Уларга асосий сабаб шу бўлдики, Англия парламентида уларнинг вакиллари йўқлиги ва шунинг учун ҳам инглизларнинг Шимолий Америкада солиқларни жорий қилиш ноқонуний деб ҳисобладилар. Бундан ташқари колонистлар инглизларнинг молларига бойкот эълон қилдилар. Айнан бойкот туфайли инглиз савдогарлари катта зарар ва талофат кўрдилар. 1766 йилнинг январ ойида инглиз савдогарлари, парламентга Шимолий Америка колонияларида герб йиғимларини бекор қилиш тўғрисида петиция (илтимоснома) жўнатдилар.

Бу воқеалардан сўнг парламентда фикрлар бўлиниши содир бўлди. Маркиз Рокингем бошчилик қилган вигиларнинг бир қисми савдогарлар петициясини маъқулладилар ва Гренвилл бош вазир лавозимидан четлаштирилди. 1765 йилнинг 13 июлида Георг III Гренвиллни Шимолий Америка колониялари масаласи бўйича эмас, балки ўзининг шахсий норозилиги туфайли бу лавозимдан бўшатиб юборган эди. Шундан сўнг Георг III ўзининг қариндоши Герцог Камберлендни бу лавозимга таклиф этди. Герцог Камберленд эса қирол Георг III дан маркиз Рокингемни ғазначиликни биринчи лорди этиб тайинлашини сўради. Георг III нинг бу таклифни мажбуран қабул қилди.

1765 йилнинг 31 октябрида Герцог Камберленд оғир хасталаниб тўсатдан вафот этди. Унинг ўрнига ўз – ўзидан Маркиз Рокингем бош вазир бўлиб қолди, негаки Маркиз Рокингемни парламентда тарафдорлари кўп эди ва қирол Георг III Маркиз Рокингемни бу лавозимда сақлаб қолди. Маркиз Рокингем кейинчалик ўзининг тарафдорларидан ҳукумат таркибини тузди.

У биринчи ўринда парламентга Шимолий Америка колонияларга янги қонун лойиҳаларини такдим этди. Маркиз Рокингемнинг қонун лойиҳаларидан бири Гренвиллни Герб йиғими қонунини бекор қилиш эди. 1776 йилда феврал ойида баҳс мунозаралар бошланиб кетди. Бу қонунни бекор қилишга Катта Питт ҳам унинг тарафдорлари эди. Ва парламентда ўзининг унитилмас нутқи билан чиқди. Оҳир оқибатда парламентда кескин курашлар давомида Герб йиғимлари бекор қилинди. Бунга асосий сабабчилардан бири бу Катта Питт бўлди. Шунинг учун ҳам унга “Американинг дўсти” деган ном берилди.

Герб йиғимининг бекор қилиниши Шимолий Америка колонияларида жуда катта хурсандчилик билан кутиб олинди. “Американинг дўстига” атаб Америка кўчаларига ном берилган, янги туғилган чақолоқларга исм қўйилган.

1766 йилнинг июль ойида Маркиз Рокингем истеъфога чиқди. 1766 йилнинг 7 июлида Георг III Питтга пэр унвони берилиб граф Чэтэм номи берилди ва шундан сўнг унга Бош вазирлик лавозимини таклиф этди. Граф Чэтэм бош вазирликка тайинланиши Георг III нинг катта хатоларидан бири бўлди. Питт катта Маркиз Рокингемдан кўра парламентда унинг тарафдорлари озроқ эди.

Катта Питт бош вазир бўлганидан сўнг, у яна бир бор Шимолий Америка колониялари масаласида муаммоларга дуч келди. 1766 йилнинг ёзида Нью-Йорк ва Нью-Джерси ассамблеяси Англия парламентга шакар ва квартира актларини бекор қилиши тўғрисида петиция жўнатдилар. Энди агарда Катта Питт олдин Шимолий Америка колонияларининг ҳуқуқларини химоя қилган бўлса, бош вазир лавозимини эгаллаганидан сўнг қирол ва парламент манфаатларини химоя қила бошлади¹.

1767 йилнинг январида Катта Питт қаттиқ касал бўлиб қолиб, деярли давлат ишлари билан умуман шуғулланмай қолди. Ўзининг ўрнига ғазначиликнинг биринчи лорди Герцог Графтонни тайинлайди. Лорд Герцог Графтон бош вазир бўлгиси йўқ эди. Бундан ташқари бу лавозимни эгаллашга ва уни бошқаришга савияси жуда ҳам паст эди. Герцог Графтон бош вазирнинг ўринбосари сифатида ҳукумат ичида ва парламентда ҳам ҳеч қандай обрўга эга эмас эди. Юқорида таъкидланганидек Герцог Графтоннинг барча хислатлари туфайли Шелборн ва Тауншенд кўлида эди.

Жанубий Департамент ишлар бўйича котиби граф Шелборн Шимолий Америка колониялари билан ҳамкорлик олиб бориш ва уларга ён босиш сиёсатини олиб борди. Хаттоки у Шимолий колониялар билан Ғарб ўлкасининг чегараларни ўзлаштириш ва кенгайтириш ишларини Шимолий Америка колониялари ўзлари мустақил ҳал қилиш тўғрисидаги режаларини тасдиқламакчи эди. Бироқ ҳукумат аъзоларининг кўпчилиги бу лойҳани рад этдилар. Чунки Англия Шимолий Америка колонияларига бу масалада эркинлик бермаслигини ва бундай сиёсат кейинчалик ажралиб чиқишлигини уқтирдилар. Граф Шелборн бу масалани қайтадан кўриб чиқиб, янги бир лойҳани парламент орқали тасдиқлатишга ҳаракат қилди. Бу конун лойиҳасини Англия парламенти ҳам рад этди.

Шелборн ва Кэмдонлардан фарқли улароқ Катта Питтнинг яқин дўсти ва содик тарафдорларидан бўлган Тауншенд гоҳ вигилар, гоҳ эса торилар томонидан бўлганлиги сабабли уни “флюгер” деб аташар эди. Аммо шунга қарамай Тауншенд парламентда катта обрўга эга эди. Негаки у ўта зехнли, хушмуомаливакучли нотик бўлган. Тауншенд Гренвилл олиб борган сиёсатни давомлаштиради. Лекин Гренвиллнинг сиёсатидан анча фарқланар эди. Унинг лойиҳасига кўра Шимолий Америка колонияларига нисбатан ҳарбий куч ишлатишдан кўра, молиявий ва иқтисодий чораларни қўллаш афзаллигини таклиф этади.

1765 йилдаёқ Герб йиғимини бекор қилиниши тўғрисидаги музокаралардаёқ Катта Питт ва унинг тарафдорлари Шимолий Америка колонияларидаги солиқларни ички қа ташқи турларига бўлган эди. Британия қироллиги Шимолий Америка колонияларрида ички солиқларни назорат қилишдан маҳрум бўлган бўлсаларда, лекин ташқи солиқларни назорат қилишни ўз зиммаларида сақлаб қолинган. Шундан сўнг Тауншендшенд янги ташқи солиқлар турларини жорий қилади. 1767 йилнинг июн ойида Тауншенд парламентга бир қанча маҳсулотларига бож тўловларини оширади. Солиқлар асосан четдан олиб келинадиган кундалик эҳтиёжлари маҳсулотларига белгиланган: вино, мой, сабзоватлар, мевалар, чой, ойна, қоғоз, қўрғошин, бўёқ, фарфор, ипаква бошқа матоларга нисбатан оширилган. Бундай конун лойиҳаси парламентда тез орада ўз тасдиғини топди.

Бу актнинг қабул қилиниши жиддий сиёсий хато бўлди. Негаки Шимолий Америка колонияларида бир қанча норозилик намоийишлари бўлиб ўтди. 1768 йил

¹ Фурсенко А.А. Американская революция и образования США. – Л., 1978, с 234

давомида англизларнинг кемаларида олиб келинган молларга нисбатан бойкот эълон қилинган, ассамблеялар томонидан ташкил қилинган норозилик манифестлар ташкил қилинган. бу воқеалар қиролни ғазабини келтирди. Ва ҳукуматдан Шимолий Америка колонистларига нисбатан кескин чораларни қўлланишини талаб этди.

1768 октябрида Катта Питт кассаллиги туфайли ўз лавозимидан Георг III расман уни бўшатди. Унинг ўрнига герцог Графтонни бош вазир этиб таъйинлайди. Герцог Графтон Шимолий Америка колонияларига нисбатан қаттиқ қўллик сиёсатини олиб борди. Унинг олиб борган сиёсатида ҳам хатоликлар бўлганлиги сабабли кўп вақт давомида бош вазир курсида қололмади¹.

1770 йил 28 январиди Графтон истеъфога чиқади. Ўша куниёқ қирол, Графтон ҳокимияти даврида ғазначилик канцлери вазифасини бажарган тори лар вакили лорд Нортни бош вазир қилиб тайинлади. Янги бошлиқ кабинетни ўзининг “тори” асосида тузади. Лорд Норт “чэтэмит” вигаси виконт Уэймаутни истеъфога жўнатади. Ҳокимиятга тори граф Галифаксни олиб киради. Галифакс бирданига иккита вазир лавозимини эгаллайди: босма ишлари ва Шимолий департамент ишлари бўйича котиб вазифасини бажаради. Ҳокимиятда тори вазирлари барон Кэдогэн ва граф Галифакс, ҳамда виг лорд Гоуэр ва граф Хиллсборо қолдилар. Граф Хиллсборо иккита вазирлик: колония ишлари бўйича котиб ва савдо ишлари бўйича биринчи лорд лавозимларини эгаллаган эди. Нортнинг ўзи эса канцлер ва ғазначиликнинг биринчи лорди вазифаларини қўлда ушлаб турарди. Шундай қилиб бир нечта “нейтрал” сиёсатчиларни (Э.Хоук, граф Хертфорд, виконт Беррингтон, граф Рочфорд) ҳисобга олмаганда, кабинетда вазирликнинг барча асосий ишларида торилар эгаллаган эди. Бу эса Норт ҳокимиятини мустаҳкам ва мунтазам бўлишини таъминлайди. Шунинг учун Норт ҳокимияти 1782 йилгача, ўн йилдан ортиқ ҳокимият тепасида туради.

Георг III лорд Норт ўзи ўйлаганидек қиролнинг Шимолий Америкага нисбатан бўлган сиёсатига ёндашмайди. Норт бу саволга нисбатан компромисс позицияни ушлайди. Бош вазирга 1770 йил 5 майда Бостонда солдатлар билан колонистлар ўртасидаги қонли тўқнашув воқеалари анча ўз таъсирини ўтказган эди. Лорд Норт Шимолий Америка билан урушдан жиддий хавфсирарди.

Норт парламентарийларга компромиссли таклифлар билан чиқади; Тауншенд актининг солиқларини бекор қилади, фақат чой пошлинаси қолади. Унинг бу ғоясини аввал “ўнг” ва “сўл” томонлар танқид қилишди. Худди шу муносабат билан виглар “консерватив” (грэнвилитлар ва Бедфорд гуруҳи) ва “радикал” рақиблар (“рокингемитлар” ва “чэтэмитлар”) гуруҳларига бўлинадилар.

Бироқ, Норт барча божхона пошлиналарини бекор қилиш мумкин эмас деб таъкидлайди ва Англия Шимолий Америка колониялари устидан назоратни қўлдан чиқариб юборади дейди. Бу билан Буюк Британия ҳукумати колонистлар олдида кучсиздек бўлиб қолиши ва колонистлар яна ҳам ўз мустақилликларини талаб қилишлари мумкин бўлиб қолишлигини тахмин қилади.

У: “Аввало Америка биздан кўрқиши керак, ана ундан кейин биз, у бизни яхши кўриши учун ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам мен чой пошлинасига қаршиман қаршиман. Американи кучсизларча оёғим остида ётганини кўрмагунимча, мен бу тўғрисида ўйлай олмайман”. Қирол номидан тори вазирлари лорд Хиллсборо чиқиш қилиб “америкаликлар – бу безорилар миллати. Улар биздан уларга қолдирган бир неча ҳуқуқлари учун миннатдор бўлишлари керак. Америкаликлар ҳеч қандай озодликка лойиқ эмаслар, фақат дорга осилиш озодлигидан ташқари” деб таъкидлади.

¹ Плешков В.Н. Внешняя политика США в конце XVIII в. – Л., 1984

Бош вазир “радикал” вигларга чой пошлинасини бекор қилиш бизнинг кучсизлигимизни англатади деб қаршилк кўрсатади, америкаликлар эса бизнинг давлатни кучсиз деб ўйлайдилар, дейди. 1774 йилнинг майида палатанинг бешдан тўртқисмининг овоз бериши билан Нортнинг актлари қабул қилинди.

Премьернинг бу ютукка эришишида биринчидан, сиёсий майдонда энг кўзга кўринган -лендлордлар ва джентлари – бу солиққа қарши чиқмадилар. Иккинчидан, парламентарийларнинг ҳеч бири Шимолий Американинг бўлинишига йўл қўймадилар.

“Радикал” вигларнинг лидерлари бу қоидалар қабул қилинишига албатта қарши чиқардилар. Маркиз Рокингем лордлар палатасида айтадики, Массачусетснинг ўзини-ўзи бошқариши конституцияга зид деб айтади. Бундан келиб чиқадики, бу ҳудуднинг аҳолиси Англия давлати қонунлари олдида ҳимоясиз бўлиб қолади. Герцог Ричмонд, “Нортнинг виждонсиз қонунлари”ни қоралаб “ Америкаликлар уларга жўнатишган кучларга қарши чиқиб, уларни енгилани чин юракдан истайман” дейди.

Хулоса

Айримлар, Америка инқилобининг тарихи 1775 йили илк ўқлар отилганидан анча олдин бошланганига ишонишига қарамай, 1763 йилга қадар, яъни кўчкинчиларнинг Виржиниядаги илк мунтазам турар жойи – Жемстаун бунёд этилгач, орадан бир ярим асрдан кўп вақт ўтмагунча, Англия ва Америка чорраха орайўлида ошкора айрилишни бошлагани йўқ. Кўчкинчилар колониялари иқтисодий қудрат ва маданий раванг жихатидан бекиёс даражада ўсди ва деярли барчалари узок йиллар мобайнида ўзини-ўзи бошқариб келди. 1760 йилларда уларнинг жами аҳолиси 1 500 000 кишидан ортиб, 1700 йилдан бери олти бараварга ўсди.

Янгича колониал тузумни жорий этишга қаратилган охириги чора-тадбирлар энг кучли қаршиликка учради. “Герб йиғими Қонуни” (расмий ҳужжатларда герб маркаси ёпиштириш ёки давлат герби шакли солинган қоғозни ишлатиш йўли билан давлат фойдасига ундирилган солиқ) сифатида маълум маълум қонун барча газеталар, варақалар, брошюралар, рухсатнома патентлари, ижара шартномалари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга йиллик даромад маркалари ёпиштирилишини таъминлади, Америка божхона ходимлари томонидан тўпланувчи мазкур даромад колонияларни “ҳимоялаш, паноҳ остига олиш ва қафолатлаш” учун ишлатилиши назарда тутилган эди.

Герб йиғими Қонуни бирор бизнес тури билан шуғулланган барча одамларга бир хилда дахлдор бўлди. Шу туфайли у, Америка аҳолисининг адвокатлар, дин пешволари, тожирлар ва бизнесменлар каби энг қудратли ва фаол гуруҳларининг, Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарбнинг қаҳрини кўзғотди. Орадан кўп ўтмай етакчи тожирлар қаршилик кўрсатиш учун бирлашди ва импорт моллари олмайдиган уюшмалар тузишди.

Кўзга кўринган одамлар Герб йиғими Қонунига қаршилик (кўпчилик зўравонлик усулларида) кўрсатиш учун “Озодлик ўғлонлари” деб номланувчи махфий ташкилотларга бирика бошлагач, Англия билан савдо-сотиқ 1765 йилнинг ёзида кескин равишда қисқариб кетди. Массачусетсдан то Жанубий Каролинагача бу қонунўққа чиқарилиб, оломон, омади юришмаган божхона ходимларини ўз вазифаларидан воз кечишга мажбур этди ва бадбахт маркаларни йўқ қилиб ташлади.

Вакил Патрик Хенри таъсири остида Виржиниянинг Муниципиал Палатаси май ойида қатор фармойишлар чиқарди. Уларга биноан ваколатсиз солиқлар солиш жараёни колониялар эркинликларига таҳлика деб, эълон қилинди. Муниципиал Палата таъкидлаганидек, Виржинияликлар инглизларга тааллуқли ҳуқуқларга молик бўлиб, шу туфайли фақат ўз вакиллари томонидан солиқлар солиниши мумкин эди. 8 июнда Массачусетс Ассамблеяси 1765 йилнинг октябр ойида Нью-Йоркда Герб йиғими Қонуни бўйича ўтказиладиган конгрессга барча колониялардан вакиллар тайинланишини таклиф этди. Мақсад – кирол ва парламент асоратини енгиллаштириш бўйича тавсиялар кўриб чиқиш эди. 9 колониядан тўпланган 27 вакил Америка ишларига Англия Парламентининг аралашувига қарши колониал мавқени сафарбар этиш имкониятларини мунозара этишди. Анча тортишувлардан сўнг конгресс қатор қарорлар қабул қилиб, улар “ўзларининг ҳурматга сазовор қонун чиқариш тармоқларидан ўзга ўзга ҳеч ким солиқ солмайдиган ёки конституцион равишда мажбур этолмайди” ва Герб йиғими Қонуни “кўчкинчи колониистларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини барбод этишга майлини ошкора этди”, деб таъкидлаган эди¹.

Шу тариқа юзага кўтарилган масала ваколатни диққат марказига олди. Кўчкинчи колониистларнинг нуқтаи назаридан, то улар Жамоалар Палатасига аъзо сайланмас эканлар, ўзларини Парламентда ваколатга эга, деб ҳисоблаш ноўрин эди. Бироқ, бу

¹ www.veb.ru

тушунча Англиянинг “асл ваколат” тамойилига зид эди, чунки унга биноан, сайлаш доираси муайян ноҳия мулкдорларининг ўта чегараланган камчилигидан таркиб топганига қарамай, Парламентнинг ҳар бир аъзоси бутун мамлакатнинг ва ҳатто империянинг ҳам манфаатларини ифодалаган. Жамиятнинг ўзга қисми эса барча аҳоли Парламент аъзоларини сайловчи мулк эгаларига хос бўлган манфаатларга шерик эканлиги назарда тутилган равишда, “ваколати” ифодаланган, деб ҳисобланган.

1774 йилнинг 29 ноябрида парламент сессияси очилади. Георг III ўзининг нутқида “қўзғолончи колония”га нисбатан давлат сиёсатини аниқлаб беради. “Мажбурий актлар”нинг бажарилишига эришиш, колонияларнинг қўзғолонларини бостириш тўғрисида нутқ сўзлайди. 30 ноябрда Герцог Ричмонд премьер Нортдан Бостон ва бошқа Шимолий Америка шаҳарларига қарши уюштирилаётган режалар тўғрисида тўлиқ ахборотни талаб қилади. 1775 йил 26 январда “радикал” виглар палатада америка масаласи бўйича чиқишларни қайтадан бошлаб юборадилар. Фокс, Рокингем, Риямонд, Чэтэм, Шелборн, Кэмден ва Берклар парламент “мажбурий актлар”ни бекор қилишини ва Бостондан қўшинни олиб чиқиб кетиш тўғрисида сўзга чиқадиладар. Шундай қилиб, Шимолий Америкага нисбатан қўлланилган 1763 йилги барча актлар бекор қилинди ва колониялар Британ парламенти ва қирол қонунларига бўйсунитилари керак эди.

Бош вазир Норт ташаббусни ўз қўлига олишга қарор қилади, 20 февралда у Шимолий Америка муаммоси бўйича бир неча режаларни таклиф қилади. Бирок, премьернинг бу режаси парламентда кўпчилик томонидан танқидга учрайди. Уларнинг фикрича Нортнинг бу режаси парламентнинг аввалги актларига қарама-қарши туради. Э.Беркнинг фикрича, Нортнинг бу режаси тинчликни сақлашни ўрнига Америкада тартибсизликлар кўпайишига олиб келади.

Нортни америка аризасини компрамисс усули билан ҳал қилишга қилган ҳаракати амалга ошмай қолади. Уни Италия парламентарийлар ва Шимолий Америкалик колонистлар ёқлаб чиқадиладар.

1765-1775 йиллардаги воқеалар парламент ва ташқарисидаги либерал ҳаракатнинг ривожланишига катта таъсир ўтказди. Шимолий Америка колонияларга нисбатан парламент сиёсий чиқишларида виг гуруҳларини консерватив (“грэнвиллентлар”, “Бедфорд гуруҳи”) ва либерал (“радикал” виглар, “чэтэмит”) ва “Рокингемитлар” га бўлинишига олиб келади.

Улардан биринчиси қирол томонидан бўлиб, колониялар қўзғолонини қаттиқ чоралар кўриб бостириш тарафдори эдилар. Иккинчилари эса компромисс излаб, ҳарбий куч ишлатмасликни ёқлаб чиқардилар.

Колонияларнинг мустақиллик учун урушлари оқибатида, қирол парламентнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлиб қолади. Георг III парламент билан яна ҳисоблашиб кўрадиган бўлиб қолади ва ўзидан аввалги “Шонли революция” давридагидек, парламентнинг лидерларини премьер қилиб тайинлашга мажбур бўлади. Георгдан аввалги издошлари парламент ва қирол ўртасида ҳокимият тепасида виги ва тори бўлишидан қатъий назар биринчиси кучли бўлар эди.

“Радикал” виглар томонидан сақлаб қолган парламентаризм – XIX аср Англия жамоатчилигининг сиёсий партиялари ва ислоҳ қилиш фаолияти тузилишининг асоси бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т: Шарқ, 1998
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.-Т: Маънавият, 2008
3. Америка тарихи асослари. Нью-Йорк. 1998.
4. Берк Э. Правление, политика и общество. СПб – М., 2001.
5. Буржуазные революции XVII-XIX вв. в современной зарубежной историографии. - М., 1986.
6. Болховитинов Н.Н. Россия и война США за независимость, 1775-1783.- М., 1976
7. Война за независимость и образование США. Под ред. Севастьянова Г.Д. -М., 1976.
8. Дементьев И.П. Идеиная борьба в США по вопросам экспансии.- М., 1973, с 342.
9. Каримский А.М. Революция 1776 года и становления американсии. - М., 1976, с 236.
10. Плешков В.Н. Внешняя политика США в конце XVIII в. – Л., 1984
11. Согрин В.В. Основатели США: исторические портреты. – М «Наука» 1983, с 174.
12. Согрин В.В. Идеиные течения в Американсой революции XVIII века. –М., 1980, с 90.
13. Фурсенко А.А. Американская революция и образования США. – Л., 1978, с 234
14. Яковлев Н.Н. Вашингтон. – М., 1973. с 324.